БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 253 (18.131). • 1 ноябрь 1981 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

Замондошларимиз

Жумақўзи Эргашев бошлиқ бригада коллективи бу йил гектар бошига 45 центнердан «оқ олтин» ҳосили нўтариб, Киров номли колхозидагина эмас, Бувайда районида ҳам юқори ҳосилдорликка эришди. Илғор бригада заршунослари шу кунларда ҳосилдорликни гектар бошига 60 центнерга етказишни ният қилиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Суратда: Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва «Ҳурмат Белгиси» ордени нишондори, коммунист Жумақўзи Эргашев.

Т. Ҳамроқулов фотоси.

МЕҲНАТ ЗАФАРИ

Боёвут районидаги «Боёвут» совхоз-техникуми пахтакорлари Улуғ Октябрнинг 64 йиллик байрами арафасида катта меҳнат зафарини қўлга киритдилар. Пахта тайёрлаш юзасидан йиллик план муддатидан илгари ортиғи билан адо этилди. Она-Ватан хирмонига пландаги 19410 тонна ўрнига 19425 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳар гектар ер ҳисобига 31,1 центнердан ҳосил олинди.

Хўжалик меҳнаткашларининг бу меҳнат муваффақиятига Йўлчи Шамсиев бошлиқ «Октябрь», Музаффар Сафаров бошлиқ «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги», Каримжон Эшонов бошлиқ «Коминтерн» бўлимлари пахтакорлари айниқса, салмоқли ҳисса қўшдилар. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Хосият Бердиёрова, Азамат Анорбоев, Жумабой Мираминов, Карим Каримбердиев, СССР Давлат мукофотининг лауреати Абдусамат Сайидмуродовлар бошлиқ илғор бригадаларда ҳосилдорлик 38—45 центнерга етди. Пешқадам механизаторлар эса 250—300 тоннадан ошириб пахта тердилар.

— Далаларимизда ҳали ҳосил кўп, — дейди совхоз-техникум директори Т. Шоймов. — Совхозимиз пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, етиштирилган ҳосилнинг бир граммини ҳам ерда қолдирмай йиғиб-териб олиш, ялпи хирмонни 22 минг тоннага, ўртача ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга қарор қилдилар. Пахта далаларида йиғим-терим қизғин давом этмоқда.

УЧАСТКА ИНСПЕКТОРИ

Катта участка инспектори, милиция майори Ортиқ Қирғизбоевич Абдувалиевни Ҳамза районидагина эмас, Тошкент шаҳрида, ҳатто республикамизда ҳам кўплар яхши танийди. Ўз ишини пухта биладиган, ташаббускор бу йигит жамоатчилик ёрдамига таяниб, жиноятларнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботнинг бузилишига йўл қўймаслик учун жуда катта иш қилмоқда. Тошкент шаҳар Ҳамза районидаги уйсозлик комбинати микрорайонида жиноятлар кескин камайиб, тартиб-интизом мустаҳкамланган экан, бу аввало участка инспектори Абдувалиев ва у билан бирга жамоат тартибини сақлаш соҳасида вақтини, билимини аямай меҳнат қилаётганлар фаолияти самарасидир.

Ўртоқ О. Абдувалиев 1975 йилда милиция участка инспекторларининг Бутуниттифоқ слётида қатнашди. Илғорлар тажрибасини пухта ўрганди. Слётдан қайтгач, жамоат тартибини сақлаш илғорларининг тажрибаси асосида Ўзбекистон ССРда биринчи бўлиб милиция ва жамоат ташкилотларнинг биргаликдаги таянч пунктини ташкил этди. Катта участка инспекторининг ташаббуси билан ташкил этилган таянч пункти жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича профилактика ишларини амалга оширишда партия ва касаба союз ташкилотлари, ўртоқлик судлари, кўнгилли халқ дружиналари фаолиятини мужассамлаштирди, янги мазмун билан бойитди ва таъсирини кучайтирди.

Таянч пунктида жиноятнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботни қўриқлаш ва жамоат тартибини сақлаш юзасидан хилма-хил ишлар амалга оширила бошланди. Кўнгилли дружина фаолияти кучайтирилди. Буларнинг ҳаммаси жамоат тартибини сақлашда яхши самара бера бошлади. Таянч пунктининг иш тажрибаси бутун республикада оммалаштирилди. Ҳамма областларда милиция ва жамоат ташкилотларининг таянч пунктлари ташкил этилди.

Катта участка инспектори, милиция аълочиси О. Абдувалиев бошчилик қилаётган таянч пунктида милиция ва жамоатчилик вакиллари уйсозлик комбинати партия ташкилоти раҳбарлигида аҳоли яшаш жойида тарбиявий ишларни мунтазам олиб бормоқда. Яқинда Ўзбекистон ССР Ички ишлар министирлиги коллегияси милиция майори О. Абдувалиев тажрибасини оммалаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ички ишлар органларининг Абдувалиев каби ташаббускор ва талабчан, принципиал ва ғамхўр кадрлар билан мустаҳкамланганлиги, жамоат ташкилотларининг ички ишлар органлари билан алоқаси кучайтирилганлиги жиноятларнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашда яхши самара бермоқда.

Милиция ходимлари зиммасига кишиларнинг тинч ҳаётини қўриқлаш каби масъулиятли вазифа юклатилган. Жуда кўп кишилар хилма-хил масалаларда милициядан мурожаат қиладилар. Уларнинг ҳаммасига эътибор билан қулоқ солиш, тегишли чораларни кўриш ички ишлар органлари ходимларининг шарафли бурчидир. Улар жиноятларнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботнинг бузилишига йўл қўймаслик учун ҳамма имконият ва воситалардан фойдаланмоқдалар. Қилган жиноятига яраша жазо муддатини ўтаб қайтган шахсларга ишга жойлашишда, ўз ҳаётини тўғри йўлга солишда ёрдам бериш, нотинч оилаларни эътиборга олиб, улар билан суҳбат ўтказиш, тўғри йўлдан тойган ёшлар билан яккама-якка суҳбатлашиш, фойдали меҳнат билан шуғулланмаётган кишилар ўртасида иш олиб бориш—профилактика ишининг бу формалари кенг қўлланилаётганлиги милициянинг халқ ўртасидаги обрў ва эътиборини оширди. Кишилар жамоат тартибини қўриқлаётган, форма кийган ходимларга ҳурмат билан қарайдиган, милиция ходимларинг қийин ва шарафли ишида уларга ҳар тарафлама ёрдам берадиган бўлиб қолдилар. Республикамизда минглаб кўнгилли халқ дружиначилари жамоат тартибини сақлашда фаол қатнашаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Давлат мулкини, меҳнаткашларнинг шахсий мулкларини қўриқлаш каби муқаддас иш ҳам милиция ходимлари зиммасига юклатилган. Социалистик мулкни талон-торож қилишга қарши кураш олиб борувчи бўлимларнинг ходимлари давлат мулкини айрим нопок, қўли эгри шахслардан ҳимоя қилиб, жамият тараққиётига гов бўлаётган, моддий зарар етказаётган кишиларга қарши муросасизлик билан кураш олиб бормоқдалар.

Милиция органлари фаолиятида ҳозирги вақтда профилактика ишлари асосий ўрин олганига қарамай, у ўзининг ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш, айбдорларнинг ишини батафсил текшириш каби функцияларни ҳам бажармоқда. Совет қонунчилигининг талаби шундайки, ҳуқуқ-тартиботни, мавжуд қонунларни бузган шахслар қилмишларига яраша жазо олишлари керак. Ички ишлар органлари совет чекистлари анъаналарини давом эттириб. жиноятчиларни фош қилишда, уларнинг иши юзасидан тергов олиб боришда совет қонунларига қатъий амал қилмоқдалар, айбдор шахслар қилмишига яраша жазо олиши керак деган принципнинг ҳаётда татбиқ этилишини таъминлаб келмоқдалар.

«Совет халқи,—деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездига қилган Ҳисобот докладида,—ҳар бир жиноят тегишли даражада текширилиб чиқишини ва айбдорлар қилмишига яраша жазога тортилишини талаб қилишга ҳақлидир. Бу ишда ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилаётган органларни партия, бутун жамоатчилигимиз батамом қўллаб-қувватлайди».

Ўз зиммасига юклатилган жуда мураккаб ва масъулиятли вазифани бажаришда ички ишлар органлари партия ва халқнинг мададини, ҳар томонлама ёрдамини кун сайин сезиб турибди. Чунки ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаб ўтганидек, бюрократизм, текинхўрлик, чайқовчилик, ўғирлик, безорилик каби жамиятимизга ёт бўлган иллатларга қарши курашда милиция Совет ҳукуматининг, халқнинг ўткир қуролидир. Милиция мавжуд қонунлар доирасида ҳаракат қиладi, совет қонунларини муҳофаза қилади. Бинобарин, ички ишлар органларининг ходимлари ўз фаолиятида қонунларга қатъий амал қилишишни таъминлашлари керак. Бунинг учун ички ишлар органларидаги партия ташкилотлари, коммунистлар милиция ходимлари ўртасида тарбиявий ишни янада кучайтиришлари керак, Токи ички ишлар органларида совет милицияси шаънига доғ туширадиган шахслар бўлмасин!

Халқ ўз милициясига ишонади, давлатнинг бу муҳим органига ҳурмат ва эҳтиром билан қарайди. Давлат манфаатларини, совет гражданларининг СССР Конституциясида гарантияланган ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ички ишлар органлари ўз фаолияти билан партия ишончини, халқ ишончини муқаддас билиб оқлаши керак. Бу ички ишлар органларида меҳнат қилаётган ҳар бир ходимнинг шарафли бурчидир.

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилсин:

Пахтакор райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Исроилов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Пасюта, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Нуралиев, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Тоғаев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Орифжонов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Пардаев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Ҳайдаров;

Баҳористон райони —район партия комитетининг секретари ўртоқ Аметов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Орзикулов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Кенжаев, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Османов. район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Маҳмудов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Расулов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Несмашнов;

Ильич райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Отахонов, район ижроия комитети раиси ўртоқ Мамадалиев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Аскаров, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Установ, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Григорьев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Элтоев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Умаров.

ЯЛПИ САФАРБАРЛИК

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

● 31 октябрга ча республика бўйича 5.153.843 тонна, шу жумладан 300.449 тонна ингичка толали пахта тайёрланди. Машиналар билан 3.284.145 тонна пахта саранжом-сарištаланди.

● Топширилган бир кунлик пахта 70.291 тоннани ташкил этди, унинг 4.925 тоннаси ипак пахтадир. Бир кунлик пахтанинг 48.565 тоннаси «пўлат этак»лардан бўшатилди.

● Ўзбекистоннинг 6 миллион тонналик хирмонини тезроқ тиклайлик! Бирор туп ғўзада ҳам, эгатда ҳам «оқ олтин»имизнинг бир толаси ҳам қолмасин!

Сирдарё области механизаторлари машина терими планини бажардилар. Дала гвардиячилари агрегатлар ёрдамида 306 минг тонна «оқ олтин» теріб бердилар. Оқолтин, Боёвут, Ворошилов, Ильич, Меҳнатобод районларининг «зангори кема» капитанлари бу ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ўнлаб механизаторлар 200—300 тоннадан пахта териб, мавсумнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлишди. Улар орасида Маматқул Аҳмедов, Хурсанд Довуров, Султон Коражонов, Эшқул Тожибоев, Ваҳоб Жумақулов ва бошқалар бор.

Ильич райони заршунослари йиллик планни бажардилар. Давлатга 63 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Ильичликлар 80 минг тонналик хирмон яратиш учун курашни давом эттирмоқдалар.

x x x

Баҳористон райони пахтакорлари йиллик планни бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Тайёрлов пунктларига 21 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Унинг 80 процента машиналарда териб олинди.

Косон районидаги Ленин номли колхоз меҳнатчилари ингичка толали пахта тайёрлаш йиллик планини уддаладилар. 650 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ипак пахта олинди.

x x x

Нукус районидаги Жданов номли совхозда пахта тайёрлаш плани ошириб бажарилди. Элликкалъа районидаги «Қирққизобод» колхозида 30 октябрь куни йиллик планнинг 3,54 процента миқдорида пахта топширилди. Тўрткўл районидаги «Ленин йўли», «Коммунизм», Беруний районидаги «Октябрь 50 йиллиги» ва «Коммуна» колхозларида шу куни 3 процентдан ошириб пахта топширилди.

x x x

Бағдод районидаги «Ғалаба» совхози пахтакорлари социалистик мажбуриятни бажардилар.

Киров районидаги Киров номли совхоз заршунослари ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил олиб, йиллик планни адо этдилар. Давлатга 15 минг тоннадан кўп пахта топширилди.

x x x

«Джизакстепстрой» бошқармасига қарашли «Джизакцелинхлопок» тресті хўжаликлари йиллик планни бажардилар. Улар республика хирмонига 110 минг тонна «оқ олтин» топширдилар.

x x x

Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Нариманов номли колхоз пахтакорлари ҳосилдорликни 41 центнерга етказиб, йиллик планни уддаладилар. Давлатга 7750 тонна дурдона топширилди.

Урганч районидаги Ленин номли колхоз 1200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта олиб, дастлабки довондан ошди.

x x x

Хатирчи районида икки колхоз йиллик планни бажарди— «Партия XX съезди» колхози 6980 тонна ва Киров номли колхоз 4000 тонна «оқ олтин» топширди.

x x x

Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхози давлат планини бажарди Ватанга 5500 тонна, шу жумладан 4200 тонна қимматбаҳо ингичка толали пахта топширилди.

Яна 1200 тонна

Боғот райони механизаторлари машинада пахта териш планини бажардилар. 23800 тонна «оқ олтин» агрегатлар бункаридан тўкилди. Ҳар бир машина билан 145 тоннадан пахта терилди. Бу муваффақиятга Нариманов номли, «Коммуна» колхозлари механизаторлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Боғотлик механизаторлар яна 1200 тонна пахта териб топшириш учун сўзъатни сусайтирмаяптилар.

„Оқ олтин" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 31 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён тўпланган устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	0,45	111,42	—	122,77
БУХОРО	1,20	103,76	1,52	102,74
ЖИЗЗАХ	1,02	102,15	0,74	107,55
Сирдарё	1,10	98,30	1,04	100,50
Қашқадарё	1,17	94,07	1,51	89,34
Хоразм	1,86	87,62	2,26	88,13
Наманган	1,01	87,31	1,11	82,75
Фарғона	1,01	84,61	1,38	82,90
Сурхондарё	1,01	83,70	0,79	70,57
ҚҚАССР	1,85	77,85	2,37	66,90
Андижон	1,13	75,63	1,56	61,79
Самарқанд	1,85	73,49	1,20	60,09
Республика бўйича:	1,20	88,25	1,25	84,86
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
БУХОРО	1,34	104,56	0,78	70,26
Наманган	1,22	98,14	3,05	106,95
Сурхондарё	1,27	82,82	1,21	74,12
Қашқадарё	1,46	70,52	1,81	42,04
Республика бўйича:	1,33	81,20	1,41	62,89

Мусобақадош областлар йўқламаси: ТОШКЕНТ—ЖИЗЗАХ

БЕЛЛАШУВ ҚАНДАЙ БОРЯПТИ?

1981 йил план ва социалистик мажбуриятларининг бажарилишини текширамиз

«Социалистик мусобақа — омманинг ижодидир,—деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездига қилган Ҳисобот докладида. — Узининг моҳият-эътибори билан у одамларнинг юксак онглилигига ва ташаббускорлигига асосланган. Худди ана шу ташаббускорлик ишлаб чиқариш резервларини топишга ва уларни ҳаракатга келтиришга, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга ёрдам беради».

Бу илҳомбахш сўзлардан руҳланган Тошкент ва Жиззах областларни меҳнаткашлари ўзаро мусобақалашиб, зиммаларига олинган юксак социалистик мажбуриятларини бажариш йўлида халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Қуйида мусобақадош областларнинг колхоз, совхозларида, фермаларида 1981 йил меҳнат йилномасининг ўтган уч кварталн якунлари таҳлили билан танишасиз.

Эсингизда бўлса, бундан бир неча кун муқаддам матбуотда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкент области меҳнаткашларига табрикномасини ўқидик. Унда область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида ажойиб муваффақиятларга эришганликлари, давлатга пахта, дон, каноп, сабзавот, картошка, полиз экинлари, мева, узум, пилла сотиш планлари ва социалистик мажбуриятларини ошириб бажарганликлари мамнуният билан таъкидланди.

Область пахтакорлари бугунгача йиллик пахта тайёрлаш топширигини 111,42 процент адо этиб, республикада карвонбошилик қилмоқдалар. Машина терими плани 123 процентга яқинлашиб қолди. Область меҳнаткашлари бу йил топширилдиган пахта миқдорини 500 минг тоннага етказишга карор қилдилар. Шунингдек, давлат областдан 105 минг тонна дон, 328 минг тонна каноп, 537 минг тонна сабзавот, 88 минг тонна картошка, 60 минг тонна полиз экинлари, 86 минг тонна мева, 95 минг тонна узум, 2323 тонна пилла олди. Буларнинг ҳаммаси планда белгиланганидан анча кўпдир.

Бироқ, область хўжаликлари фермаларида ҳали гўшт, сут, тухум ҳамда бошқа маҳсулотлар етиштириш ва тайёрлаш борасида анчагина ишлар қилинмоги керак. Чунончи, область бўйича силос бостириш топшириги 79 процент атрофида тўхтаб турганини, гўшт тайёрлаш (тирик вазнда) планда белгиланганидан 6,7 минг тонна ортда қолаётганини, сут, тухум етиштириш топшириқлари ҳам кўзда тутилган даражада бажарилмаётганини нормал ҳол деб бўлмайди. Бунинг учун аввало, сут ва гўшт комплекслари, паррандачилик фабрикалари қувватларининг ўзлаштирилишини тезроқ таъминлаш, пахтачиликда ортдирилган илғор «Тошкент технологияси» тажрибасини қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам кенг оммалаштириш зарур.

Мусобақадош Жиззах области меҳнаткашлари эришаётган ютуқлар ҳам чакки эмас. Шу кунларда область хўжаликларида, фермаларида юксак меҳнат кўтаринкилигининг гувоҳи бўласиз. Шуни қувонч билан айтиш керакки, кўрик область пахтакорлари республикада учинчи бўлиб катта меҳнат зафари нишдасини сурдилар. Бугунгача тайёрлов пунктларига 350 минг тоннадан кўпрок пахта етказиб берилди. Ҳосилнинг 30 процента машиналарда терилди. Область меҳнаткашлари съездлар йилида топширилиадиган пахта миқдорини 400 минг тоннага етказишга сўз беришган. Давлатга сабзавот. картошка, полиз экинлари, мева, узум, сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар ошириб адо этилди.

Жиззахлик чорвадорлар ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида 457 минг тонна дағал озуқа жамғаришни режалаштирган. Йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 535,6 минг тонна шундай озуқа тайёрланганлиги қувончли қолдир. Сенаж, силос бостириш бўйича ҳам яхши натижалар қўлга киритилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, 60 минг ўрнига 156 минг тонна сенаж, 105,5 минг ўрнига 143,6 минг тонна силос тайёрланганлиги мақтовга молик, албатта.

Аммо областда чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш салмоғи шу кунинг талаблари даражасида эмаслигини айтиб ўтмасдан бўлмас. Гапнинг тўғриси, область чорвадорлари бу соҳада андак оқсаётган мусобақадошларидан ҳам бирмунча ортда қолишти. Масалан, гўшт (тирик вазнда) ва сут тайёрлаш планлари бугунгача йиллик планга нисбатан Тошкент областида 84—87 процент бажарилган бўлса, Жиззах областида 81—83,2 процент адо этилди, холос. Пирик шохли моллар, паррандалар ва чўчқалар сонини ўстириш планлари уддаланмади. Шунингдек, тухум ва қуритилган сунъий ўт уни тайёрлаш 9 ойлик топшириқлари ҳам бажарилмасдан қолди.

Хўш, келтирилган бу рақамлар таҳлили қандай изоҳ талаб қилади? Бизнингча, социалистик мусобақа байроғини дадил кўтариб бораётган ҳар иккала область меҳнаткашлари ўзаро ҳамкорликларини яна да кучайтиришлари, қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларида эришилаётган ютуқлар ва орттирилаётган новаторлик тажрибаларини оқсаётган бошқа тармоқларга ҳам кўчиришлари зарур. Бунда партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотлари меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини пасайтириб юборганлиги, сусткашликка йўл қўяётганлиги сабабларини чуқур ўрганишлари ва уларга социалистик мусобақа шартларида келтирилган план ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашда тегишли конкрет ёрдам беришлари лозим. Токи, СССРнинг 60 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилаётган юбилей олди йилида йиллик план ва социалистик мажбуриятларини бажармаган бирорта ҳам хўжалик, ферма коллективлари қолмасин. Омма ижоди бўлган мусобақа — ишлаб чиқариш резервларини топишга, уларни ҳаракатга келтиришга, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга хизмат қилсин!

АФҒОНИСТОНЛИК МЕҲМОНЛАР

Афғонистон Демократик ёшлар ташкилоти марказий комитетининг биринчи секретари Бурхон Гиёсий бошчилигидаги шу ташкилот делегацияси тўрт кун давомида республика ҳаёти, унинг комсомол ташкилотининг фаолияти билан танишди.

Меҳмонлар Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг раҳбарлари билан суҳбатлашдилар, ёш пахтакорлар, олимлар, маданият арбоблари билан учрашдилар. Улар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, В. И. Ленин номидаги республика пионерлар саройида бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЙЛИК

Совет — Шимолий Яман музокаралари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан Яман Араб Республикасининг президенти А. А. Солиҳнинг Кремлда сўзлаган нутқлари тўғрисида бутун дунёда кўпдан-кўп фикр ва мулоҳазалар билдирилмоқда. Чет эл ахборот агентликлари, матбуоти, теле ва радио компанияларнинг шарҳларида шу нарса уқтириб ўтилдики, Л. И. Брежнев чуқур тинчликсеварликдан иборат совет ташқи сиёсатини яна бир бор тасдиқлади, тинчликсевар мамлакатлар ва халқларнинг актив ҳаракати янги уруш режаларини тузаётган кимсаларнинг ёвуз мақсадларини барбод этиш, халқларнинг ҳуқуқларини ва Ер юзида тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилишга қатъий ишонч изҳор этди.

Совет — Шимолий Яман музокаралари ЯАР оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди. Бу музокаралар, деб ёзади «Ас-Савра» газетаси ўзининг бош мақоласида, Ер юзида, шу жумладан Яқин Шаркда тинчлик ва адолат ишининг тантанаси учун изчиллик билан курашаётган барча кучларнинг позицияларини мустаҳкамлашга кўмаклашади. Бу музокаралар иккала мамлакат — ЯАР билан СССР ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун янги муҳим омил бўлиб хизмат қилишига ҳам шак-шубҳа йўқ.

СССРнинг Ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга, Яқин Шарқ танглигини ҳар тарафлама бартараф этишга эришишга, регионда одилона ва мустаҳкам тинчлик ўрнатишга қаратилган изчил сиёсий йўли Л. И. Брежневнинг нутқида яна бир бор тасдиқланди, деб ёзади Ливандаги «Ан-Нидо» газетаси. Л. И. Брежнев Яқин Шарққа бағишлаб барча манфаатдор томонлар, шу жумладан Фаластин Озодлик ташкилоти иштирокида халқаро конференция чақириш зарурлигини таъкидлади.

Америкадаги АП агентлиги Л. И. Брежнев нутқида Яқин Шарққа бағишлаб ўтказиладиган халқаро конференцияга Ғарбий Европа, Шимолий Африка ва Жанубий Осиё давлатларини қатнаштириш таклиф этилганига эътиборни жалб қилади. Совет раҳбари, деб уқтиради Эй-Би-Си телекомпанияси, Яқин Шарқ муаммосини халқаро негизда бартараф этишни таклиф этиб, Американинг, жумладан Ўрта денгиз районидаги сиёсати ядро уруши чиқиш хавфини кўпайтиришини уқтириб ўтди Л. И. Брежнев Яқин Шарққа бағишлаб халқаро конференция ўтказишни яна таклиф қилиб, унинг иштирокчиларини кўпайтириш кераклигини айтди, деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси. Совет раҳбари Қўшма Штатларни Миср халқининг ички ишларига аралашишда ва Ливия хавфсизлиги учун таҳлика солишда айблади, деб уқтиради газета.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари халқ маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари халқ маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови 1982 йил апрель-июнь ойларида ўтказилсин.

2. 1979 йил июнь ойида сайланган Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари халқ маслаҳатчиларининг ваколатлари бундан буён халқ маслаҳатчилари янги состави сайлангунга қадар узайтирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ХАЙДАРОВА.

1981 йил 30 октябрь.
Тошкент шаҳри.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ЗАРБДОР ВАХТА БАЙРОҚДОРЛАРИ

КОММУНИСТЛАР САФАРБАР

Пахта теримида ғаниматдамлардан самарали фойдаланаётган Кегайли район коммунистлари пахтакор ва механизаторлар, ҳашарчиларга бош бўлиб, терим суръатини тобора оширмоқдалар. Ҳар бир коммунист шу долзарб кунларда олтин кузнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб кечагидан бугун, бугунгидан эртага кўпроқ «оқ олтин» тўплашга муваффақ бўлмоқда.

Район пахта тайёрлашда Қорақалпоғистон Автоном Республикасида энг пастки ўринлардан бирида келар эди.

«Нима учун районимиз кўтарилмаяпти?», «Ҳар куни йиллик планнинг 3 процента ва ундан ҳам кўп миқдорда пахта тайёрлаш имкониятига эгамиз-ку?» «Суръатни кўтаришга нималар тўсиқ бўлмоқда?» «Нималар етишмаяпти?» Мана шу саволлар район коммунистлари диққат эътиборида бўлди. Район партия комитети ва унинг бюроси совхозларнинг директорлари, партия комитетларининг секретарлари, етакчи мутахассислар, илғор пахтакорлар иштирокида терим суръатини кўтариш ҳақида маслаҳат кенгаши ўтказди. Бунинг яккаю ягона йўли меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш, ишлаб чиқилган графикни тўла ва ошириб бажаришдан, ўзаро социалистик мусобақа шартларини текшириб, ғолибини рағбатлантириб боришдан иборат.

Совхозлардаги барча резервлар, имкониятлар теримга тўла сафарбар қилинди. Район бўйича ҳар куни 3 процент ва ундан ҳам кўпроқ пахта тайёрлашга эришилди. Район илғорлар сафига ўтиб олди, октябрнинг иккинчи ўн кунлиги якунлари бўйича республика кўчма Қизил байроғини қўлга киритди.

Ҳамма пахтазорга, жасорат майдонига отланди. 1500 дан кўпроқ коммунист, 8 мингдан кўпроқ комсомолдар пахта теримида меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 60 йиллигини ажойиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишга бағишланган мусобақада Энгельс номли совхоздан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, бригадир-механизатор, КПСС аъзоси А. Худойбергенов, Куйбишев номли совхоздан КПСС аъзоси У. Пирлепесов, М. Емжаров раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг пахтакорлари бир беш йилликда икки беш йиллик пахта тайёрлаш планини бажарамиз деб чиқдилар. Уларнинг бу ташаббуси район партия комитети томонидан маъқулланди. Ана шу коллектив аъзолари ҳозир пахта тайёрлаш планларини бажариб, иккинчи план ҳисобига «оқ олтин» топширмоқдалар. Ўтган шанбадан якшанбага ўтар кечаси тўсатдан мовий осмонда пага-пага булутлар пайдо бўлиб, шу куни эрталабдан томчилаб ёққан ёмғир кечага давом қилди. Ваъдасига вафодор коммунистлар:

— Тош ёғса ҳам пешона тери билан етиштирилган ҳосилни тўла йиғиб-теріб оламиз, — деб терим суръатини сира ҳам бўшаштирмадилар. Чевар теримчилар терим суръатига суръат қўшаверадилар.

Муса Жалил номли совхоздан Т. Яхёев, Б. Бойимбетов, А. Избосамбетов, «Кўкшиев» совхозидан Д. Раимов, А. Ережепов, Куйбишев номли совхоздан Х. Қаипов, Ю. Абдуқодиров, «Халқобод» совхозидан К. Абдусатторов, «Кегайли» совхозидан А. Қаипназаров каби ўнлаб коммунистлар раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг пахтакорлари, механизаторлари планларини бажариб, социалистик мусобақада пешқадамлик кўрсатиб, мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширмоқдалар. Г. Ерниёзов директорлик қилаётган Муса Жалил номли, Е. Олланиёзов бошчилик қилаётган «Кўкшиев» совхозлари пахта тайёрлашда ҳамон биринчилар қаторида келмоқдалар.

Техника пахтакорларнинг оғир юкини осон қилаётир. Теримнинг биринчи кунидан совхозларда иш ипатоволикларнинг тажрибаси асосида бошланди. 300 дан кўпроқ «зангори кема» ва теримда қатнашадиган техника 44 та терим-транспорт отрядига биркитилди. Ҳар бир терим-транспорт отряди қошида мувақкат партия группаси сиёсий-оммавий, тарбиявий ишларни олиб бормоқда. Ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини оширишга эришмоқда.

Мавсумда хирмонларга 200-250 тоннадан «оқ олтин» тўкиш мажбуриятини олган М. Жалиев, А. Олломжоров, Қ. Бекназаров, М. Абдимуродов, К. Оллоқов, Ш. Абдумуротов, Ж. Қаипназаров каби механик-ҳайдовчилар ҳар сменада хирмонга 7-9 тоннадан «оқ олтин» тўкмоқдалар. Улар шу кунгача 95-115 тоннадан пахта теришди.

Ҳар бир хўжаликда 180-250 теримчи кўпмингкилограммчилар сафига қўшилдилар. Ўнлаб чевар теримчиларнинг ҳозиргача терган пахтаси 7,5-8 тоннадан ошди. Шу кунларда улар нормаларини 2-2,5 ҳиссадан пешқадамлик кўрсатмоқдалар. Голиблар район партия комитети, район ижроия комитети томонидан рағбатлантирилмоқда.

Район пахтакорлари ва механизаторлари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида камида 45 минг тонна «оқ олтин» етиштириш, шундан 32,5 минг тоннасини «зангори кема»да териб олиш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилишган. Шу долзарб кунларда барча резерв ва имкониятлар пахта теримига тўла сафарбар қилинди. Мусобақа голиблари, илғор механик-ҳайдовчилар, чевар теримчиларнинг тажрибаси оммалаштирилмоқда. Норма бажармаётганлар, ишёқмас, даҳмазалар, ҳайбаракаллачилар танқид қилинмоқда.

Район пахтакорлари, механизаторлари давлат қабул пунктларига 960-1050 тонна пахта топшириб, ҳар куни 2,5-3 процент ўсишга эришмоқдалар. Кунлик графикларни ошириб бажаришда район коммунистлари жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОКТЯБРОЛДИ ВАХТАСИДА

ИЛҒОР УСУЛ ЕРДАМ БЕРМОҚДА

Термиздаги 2510-автоколонна ҳайдовчилари беш йилликнинг биринчи йили учун зиммаларига қабул қилган социалистик мажбуриятнинг асосий бандларидан бирини муддатидан илгари бажариб, йил бошидан буён планга қўшимча олти минг тоннадан кўп юк ташидилар.

Оғир юк ташувчи агитпоездларнинг ҳайдовчилари Раҳим Хуметов, Ҳамро Норқулов, Чоршн Аснеровлар коллектив ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилишмоқда. Улар беш йилликни 2,5—3 йилда бажариш мажбуриятини олишган. Колонна коллективи йил схемасига планга қўшимча яна камида тўрт минг тонна юк ташишни мўлжалламоқда.

1982 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Намангандаги абрли газламалар комбинатидан тўқувчи Тоҳир Дадамирзаев 1982 йилнинг сўнгги квартали ҳисобига ишлай бошлади. У нормадаги тўртта тўқувчилик станоги ўрнига ўнта станокни бошқармоқда.

Коллектив орасида беш йиллик программани муддатидан илгари адо этиш ҳаракати кенгаймоқда. 26 бригада, 700 нафар ишчи Улуғ Октябрнинг 64 йиллиги байрамини йиллик планни бажариш билан кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда.

(ЎзТАГ).

Мусобақа: давр, одамлар, одимлар

ТЕХНИКАНИ АРДОҚЛАБ

ЎН БЕШЛАР ТАШАББУСИ — АМАЛДА

«Совет Ўзбекистони» газетасининг саволларига бугун «Джизакстепстрой» территориал бошқармасига қарашли «Бустонводстрой» трести скреперчилар бригадаси бошлиғи Рисқул Мўлдонов жавоб беради:

1. МАЖБУРИЯТИНГИЗНИ ҚАНДАЙ БАЖАРЯПСИЗ?

— Жиззах ва Мирзачўлдаги қўриқ ерларни ўзлаштиришда 20 йилдан бери меҳнат қилмоқдаман.

КПСС XXVI съездида Жиззах чўлини ўзлаштириш ишларини кучайтириш алоҳида таъкидлаб ўтилган. Коллективимиз буни биз, чўлқуварлар ҳақидаги яна бир улкан ғамхўрлик, деб ҳисоблайди. Ана шу ғамхўрлик, меҳрибонлик ҳаммамизнинг кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшиб юборди. Бригадамиз бир беш йиллиқда икки беш йиллик планини ўздалаш, пландаги 4042,5 минг ўрнига 8085 минг кубометр ҳажмида тупроқ ишларини бажаришга сўз берган. Шахсан ўзим эса ўн биринчи беш йиллик топшириқларини икки ярим йилда ўринлатиш, шу вақт ичида 366 минг ўрнига 732 минг кубометр ҳажмида ер текислаш мажбуриятини олганман. Мана, йилнинг ўнинчи ойи ҳам ўтиб бўлди. Шуни мамнуния билан маълум қиламанки, 9 ой ичида 55 минг ўрнига 110 минг кубометрдан зиёд тупроқ суришга эришдим.

2. ЭРИШАЁТГАН ЮТУҚЛАРИНГИЗНИНГ СИРИ НИМАДА?

— Аслида, ҳеч қандай сир йўқ. Ҳамма гап касбимизга бўлган ҳиссиз садоқатда. Агар кишига ўз иши ёқмаса, у касбини ҳам, ўзини ҳам хор қилади. Акси бўлса, бутун вужуди билан ишга берилади, янги-янги имкониятлар кидиради. Коллективимиз Жиззах чўлига ҳужум қилаётган механизаторлар орасида биринчилар қаторида Николай Злобиннинг бригада пудрати усулига ўтган. Бу илғор усул меҳнат унумдорлигини ошириш, ер текислаш ишлари сифатини яхшилаш, ёнилги ҳамда эҳтиёт қисмларни тежашда, айниқса, қўл келмоқда. Эътиборингизни яна бир муҳим нарсага қаратмоқчиман. Бригадамиз аъзолари ўзларига бириктирилган техникани доимо ардоқлаб, авайлаб асрайлар. Деталларни вақтида мойлаш, ҳар бир кичик нуқсонни кечиктирмай тузатиш, профилактик-ремонт ишларини кучайтиришга биринчи даражали аҳамият берамиз. Чунки буларнинг ҳаммаси скрейперчиларимизнинг капитал ремонтсиз анча муддат давомида ишлашларини таъминлаяпти.

3. ИЗДОШЛАРИНГИЗ ҲАҚИДА ҲАМ СЎЗЛАБ БЕРСАНГИЗ?

— Бригадамиз аъзоларининг аксарияти бир беш йиллиқда ўн йиллик ҳажмида иш бажаришга сўз беришган. Ваъда вафоси билан улуғ, дейилади. Гапимиз ерда қолмаслиги учун ҳозир социалистик мусобақага зўр беряпмиз. Тез-тез «Жанговар варақа»лар чиқариб, мусобақа натижалари маълум қилиб борилмоқда. Шунингдек, илғор, тажрибали механизаторлар муваффақиятли ишлаш йўлларини ёшларга бажонидил ўргатмоқдалар. Трест касаба союз бирлашган қурилиш ташкилоти мусобақани янада жонлантириш, илғор иш усулларини кенг жорий қилиш, мураббийлик ҳаракатини кучайтириш, механизаторларнинг меҳнат ва маиший шароитини яхшилаш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилаётир. Бу ҳам ўз навбатида ишлаб чиқаришдаги пировард натижаларимизга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

ЮБИЛЕЙГАЧА ТЎРТ ЙИЛЛИК ПЛАН

«Облколхозстрой» трестининг Ўйчи колхозлараро кўчма механизациялашган колоннасининг Ҳамид Турдиматов бошлиқ бригадаси СССР ташкил топган кунинг 60 йиллик юбилейи шарафига оширилган социалистик мажбурият қабул қилди.

— Коллективимиз аъзолари москваликлар, ташаббусига қўшилиб, имкониятларимизни чамалаб, юбилейгача 460 минг сўмлик ҳажмда қурилиш-монтаж ишларини адо этмоқчи, — дейди бригадир Х. Турдиматов. — Бу, тўрт йиллик планга тенгдир. Бундан ташқари қурилиш ишлари таннархини планга нисбатан 0,5 процентга арзонлаштирамиз.

Қурувчилар юксак ахдга яраша меҳнат қилиш учун ҳар бир иш кунидан унумли фойдаланишяпти. Ишлаб чиқаришга илғор иш методлари ва усулларини, кичик механизация воситаларини жорий этишмоқда. Натижада смена топшириқлари 190—200 процентдан адо этилмоқда.

Задарёдаги 86-автокорхонанинг А. Умурзоқов етакчилигидаги ҳайдовчилар бригадаси ҳам 60 йиллик юбилейни тўрт йиллик планни бажариш билан кутиб олиш ташаббуси билан чиқди. Коллективнинг С. Аҳмедов, М. Осмонов, Н. Саримсоқов, И. Усмонов каби ҳайдовчилари келгуси йилнинг август ойи ҳисобига меҳнат қилишаётир.

Наманган областида юз нафардан зиёд ишчи ва қурувчи шонли юбилейгача тўрт йиллик планни бажариш мақсадида тер тўкмоқда.

А. НИЕЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СССР 60 йиллиги юбилейини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилаётган В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия комбинати коллективи Улуғ Октябрнинг 64 йиллиги арафасида катта ютуққа эришди. Коллектив ўн бир ойлик топшириқларини қарийб бир ой илгари муваффақиятли уддалади. Суратда: мартен цехининг илғор оловкори Алим Мадумаров. Моҳир ишчи шу кунларда 1982 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

В. Сироткин фотоси.

ВИЗИТ МУНОСАБАТИ БИЛАН

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 30 октябрь куни ГФР Ташқи ишлар министрлигининг статс-секретари Б. Фон Штаденни қабул қилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг ГФРга киладигани визити муносабати билан Б. Фон Штаден Москвага келган эди.

(ТАСС).

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР БИРЛАШГАН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДА

27 октябрдан 30 октябргача Венгрия Халқ Республикасида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар бирлашган қуролли кучлари Ҳарбий кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Бирлашган қуролли кучлар бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов раислигида ўтган Ҳарбий кенгаш ишида Ҳарбий кенгаш аъзолари ва улар бошчилик қилаётган Болгария Халқ армияси, Венгрия Халқ армияси, Германия Демократик Республикаси Миллий халқ армияси, Польша қўшини, Руминия Социалистик Республикаси армияси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Қуролли Кучлари, Чехословакия Халқ армияси ва Бирлашган қуролли кучлар штаби делегациялари қатнашдилар.

Ҳарбий кенгаш Бирлашган қуролли кучлар кунделик фаолияти масалаларини муҳокама этди ва шу масалалар юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилди.

Ҳарбий кенгаш мажлиси дўстона вазиятда, қалин ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

ИШЧИЛАР СИНФИ ТЎҒРИСИДА

«В. И. Ленин, КПСС ишчилар синфи тўғрисида»ги тўплам босмадан чиқди.

Жамиятни революцион негизда қайта қуришда, социализм ва коммунизм қурилишида ишчилар синфининг ролини характерловчи В. И. Ленин асарлари, КПСС ҳужжатлари китобга киритилган. Тўплам материаллари ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида ишчилар синфига раҳбарлик қилиш соҳасида КПСС фаолиятининг чуқур илмий характерини очиб беради.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти босмадан чиқарган. (ТАСС).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ҚОРА ЮРАК»

Қарши политехникумининг ўқитувчиси Рўзиқул Дилмуродов шум ниятларни кўзлаган имзосиз хатлар ортида узоқ муддат яшириниб юрди. У ёзган анонимкалар юзасидан неча бор нуфузли комиссиялар тузилди, текширишлар ўтказилди. Фактлар тасдиқланмаса-да, бўхтон тошлари бегуноҳ одамлар қалбида озмунча азият изларини қолдирмади. Тошотарга ана шу безовталик керак эди. У ён атрофдагиларнинг азиятидан завқланар, ҳузур қиларди. Имзосиз хатларга яна зўр берди. Номи бор-у ўзи йўқ одамлар имзосидан йўлланган хатлар турли томонларга уча бошлади. Қўлга тушмаслигига қаттиқ ишонч боғлаган ифвогар чап қўлни бутунлай анонимкага «ихтисослаштириб» олди.

«Совет Ўзбекистони»нинг 1980 йил 5 декабрь сонида босилган «Қора юрак» фельетонида Р. Дилмуродовнинг ниқоби йиртилган эди. У навбатдаги жиноий ҳаракатлари устида қўлга тушди. Имзосиз хатларни асл нусхалари Р. Дилмуродовнинг чап қўли билан қораланиб, ўнг қўли билан кўчирилган бўхтонномалар топилди. Ифвогарнинг фактлар олдида бош эгишдан ўзга чораси қолмади.

Рўзиқул Дилмуродовнинг кўзи кеч очилди. У энди авф этишларини сўраб ўнг қўлда илтимосномалар ёзишга ўтди. Бироқ, гишт қолипдан кўчган эди. Имзосиз хатлар уни қора курсига етаклаб келди.

Р. Дилмуродов шу жиноий иш юзасидан КПСС сафидан ўчирилди. Тошкент область суди унинг жиноий ишини кўриб чиқиб, муттасил ифвогарлик билан шуғулланиб келгани учун Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 112-моддасига биноан Р. Дилмуродовни 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этишга қарор қилди. Республика Олий Суди ҳукмни адолатли деб топди.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

САВДО АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

ГАВАНА. Куба Республикасининг халқаро иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқалари йил сайин кенгаймоқда. Бугунги кунда у дунёдаги 100 дан кўпроқ давлат билан савдо алоқаларини давом эттирмоқда. 1980 йилги маълумотларга кўра, товар оборотининг 73 процента социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади. Шу беш йилликнинг ўзидагина (1981—1985 йиллар) товар обороти учдан бир баравар ортади. Совет Иттифоқи Кубанинг савдо соҳасидаги энг катта шериги бўлиб, у Куба экспортининг анъанавий маҳсулотларини ҳарид қилади ва Куба саноати учун ҳаётий муҳим товарларни етказиб беради.

1980 йилда Озодлик оролининг Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар билан товар обороти 748 миллион долларлик ошди.

(ТАСС).

БУГУН — ЖХДРНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

ЖАЗОИРНИНГ РЕВОЛЮЦИОН ОДИМИ

Жазоир халқи 1954—1962 йиллардаги қаҳрамонона миллий озодлик юриши бошланган кунининг 27 йиллигини нишонламоқда. Шу уруш натижасида Франциянинг «денгиз нариғидаги департаменти» мустақил давлат бўлиб қолди. Жазоир халқининг ғалабаси миллий демократик революцияга асос солди, мамлакатни, социалистик ўзгартишлар йўлига олиб чиқди ва эксплуатациянинг ҳамма шаклларидан халос бўлган янги жамият қуришга киришиш имконини берди.

Ички ва ташқи реакциянинг тиш-тирноғи билан қилган қаршилигига қарамай, Жазоир халқи Миллий озодлик фронти партияси раҳбарлигида тарихан қисқа муддат ичида кенг миқёсдаги илғор социал-иқтисодий ўзгартишларни амалга оширди. Саноатда давлат сектори вужудга келтирилди, ҳозир у жами маҳсулотнинг салкам 90 процентини бериб турибди, ажнабий банклар ва страхование компаниялари давлат ихтиёрига олинди, мамлакатнинг асосий табиий бойлиги — нефть ва газ устидан давлат назорати ўрнатилди. Мустақиллик йилларида 660 тадан кўпроқ саноат корхонаси қурилди, Жазоир учун янги бўлган қора ва рангли металлургия, машинасозлик, нефть химияси ва бошқа саноат тармоқлари барпо этилди.

Саноат негизи вужудга келтирилганлиги туфайли Жазоир қишлоқдаги бутун турмуш тарзини қайта қуриш мақсадида аграр революцияни амалга оширишга киришиб олди. Пирик заминдорлардан тортиб олинган ер деҳқонларга берилди, улар давлатнинг техника-кавий кўмаги ва моддий ёрдами билан кооперативларга бирлашмоқдалар. Экинзорларнинг 93 процента ҳозирдаёқ деҳқонларга олиб берилди. 6 мингга яқин кооператив тузилиб, уларга қарийб 100 минг фаллох бирлашди.

1976 йилда Жазоир халқининг жуда кўпчилиги Миллий хартия — Жазоир революциясининг асосий программа ҳужжатини маъқуллади, бу ҳужжат мамлакатнинг социалистик йўлдан боришини мустаҳкамлади. «Социализм, — дейилади унда, — Жазоирдаги меҳнаткаш халқнинг эзгу орзуларини ифодалайди».

Жамиятни социалистик негизларда қайта қуришда Совет Иттифоқи Жазоир халқига кенг миқёсда кўмак бермоқда. Жазоирда СССРнинг кўмаги билан 100 тадан кўпроқ объект, шу жумладан Ал-Ҳожардаги металлургия комбинатининг иккинчи навбати қурилди ва қурилмоқда.

ЖХДР президенти, Миллий озодлик фронти партиясининг Бош секретари Ш. Бинжадиднинг шу йил июнида СССРга қилган расмий дўстлик визити Совет — Жазоир алоқаларини ривожлантиришнинг муҳим босқичи бўлди. Визит охирида эълон қилинган қўшма ахборотда СССР билан Жазоир икки томонлама ҳамкорликни янада кенг ривожлантиришга интилавериши изҳор этилди.

Жазоир империализмга қарши тараққийпарварлик йўлини ўтказишда мамлакат ичкарисида ҳам, халқаро майдонда ҳам кўпгина қийинчиликларга дуч келмоқда. Аммо бу қийинчиликлар Жазоир меҳнаткашларини чўчитмайди, улар ўзларининг революцион ғалабаларини эҳтиёт қилиб асраш ва ривожлантиришга, озодлик, мустақиллик, тараққиёт ва тинчлик идеаллари тантанаси йўлидаги курашни давом эттиришга азму қарор берганликларини яна тасдиқламоқдалар.

К. ДУДАРЕВ,
(ТАСС).

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШ ҲАФТАЛИГИ

БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган махсус сессияси ҳамда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг қарорига биноан 24—31 октябрь кунлари ўтказилган қуролсизланиш учун ҳаракат ҳафталиги тинчлик ва қуролсизланиш йўлидаги улуғвор намойишлар билан нишонланди. Кенг миқёсда ўтказилган бу тадбир жаҳон халқларининг тинчлик тақдиридан жуда ташвишланаётганликларини, қуролланиш пойгасини мисли кўрилмаган даражада авж олдириб юборган ҳозирги АҚШ маъмуриятининг милитаристик йўли тинчликка катта таҳлика солаётганлигини кўрсатувчи яна бир далилдир.

Тинчлик тарафдорларининг Лондондаги оммавий митинги ҳафталикнинг энг катта воқеси бўлди. Улуғвор намойиш беш соатдан кўпроқ давом этди. Намойиш сафларида ишчилар ва студентлар, хизматчилар ва уй бекалари, турли сиёсий партияларнинг активлари сима-ён ўтдилар. Гайд-паркда бўлган митингда сўзга чиққан қуролсизланиш учун жаҳон ҳаракатининг ҳамраиси Ф. Фроқуэй бундай деди: «Биз дунё узра таҳлика солиб турган даҳшатли хавфни даф қилишдек ялпи иштиёқ билан бу ерга келдик. Уруш қучлари, етакчи капиталистик давлатларнинг ҳукмрон доиралари ва ҳарбий саноат комплекси нақадар қудратли бўлмасинлар, халқлар уларнинг ионяқторона режаларини барбод қилишга қодирдирлар».

Италия пойтахтида бўлиб ўтган умуммиллий тинчлик юришида 150 минг киши қатнашди. Париж кўчаларига чиққан салкам 100 минг киши янги уруш хавфига, ядро ҳалокати хатарига қарши кураш шиорларини кўтариб олган эди. Брюссель, Токио, Венада, ер юзининг бошқа кўпгина шаҳарларида қуролсизланиш учун ҳаракат ҳафталиги доирасида оммавий намойишлар ва митинглар ташкил этилди.

Ғарбий Европа мамлакатларида бу ҳафталик айниқса кенг миқёсда ўтди. Бу ерда Европа маъмуриятининг вақшиёна нейтрон қуролини тўла миқёсда ишлаб чиқаришга киришиш тўғрисидаги қарорига қарши норозиликлар ҳамда НАТОнинг Ғарбий Европадаги бир қанча давлатлар территориясида Американинг ўртача олисликка учадиган янги ядро ракеталарини жойлаштириш тўғрисидаги хатарли қарори юзага чиқарилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги талаб марказий ўринни олди.

Ҳафталик қатнашчиларининг қуролсизланишга бағишланган ҳаракатлари ҳаётнинг ҳеч бир соҳасини четлаб ўтмаётганлигини, ҳозирги замон ҳаётининг барча томонларини ўз ичига олаётганлигини, ҳаётнинг ҳеч бир соҳасини ҳарбийлаштириш ҳаракатлари ҳеч бир соҳасини четлаб ўтмаётганлигини, ҳеч бир соҳасини ҳарбийлаштириш ҳаракатлари ҳеч бир соҳасини четлаб ўтмаётганлигини кўрсатиб берди. Ҳаётнинг барча соҳалар

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИДАН ЎРНАК ОЛАЙЛИК!

«Совет Ўзбекистони» ўйўлланмаси билан

ОЛТИН КУЗ ЎЙЛАРИ

Одил ЁҚУБОВ,
Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати.

БИЛМАДИМ нега, эҳтимол, деҳқон фарзанди бўлганим учундир, эҳтимол, энг яхши ёшлик йилларим қишлоқда ўтгани учундир, биргина «куз» сўзи дилимда бир дунё ёруғ ҳислар уйғотади. «Куз» деганда лоп этиб беҳудуд оппоқ далалар, аллақандай маъюс, улуғвор сукунатга чўмган қирмизиранг боғлар, қучоққа сиғмас қовунлар, олачипор тарвузлар юмалаб ётган сарғиш қирлар кўз олдимга келади, ҳорғин, бироқ, ўз ишидан, ёз бўйи тер тўкиб йиққан ҳосилидан мамнун ва мағрур ҳамқишлоқларим ёдимга тушади. Куз фасли фақат деҳқон учун эмас, ҳамма касб эгалари учун, ҳатто ижод аҳли учун ҳам ўзгача аҳамиятга молик. Адабиётда, масалан, «Болдино кузи» деган машҳур ибора бор. Бу иборани эшитганимизда олтинранг рус ўрмонларида ўйчан кезиб юрган буюк рус шоири Пушкин кўз олдимизга келади, Болдинога сургун қилинган улуғ шоирнинг қитта кузда яратган ўлмас шеърлари, шафақранг рус ўрмонларидай тиниқ ва ҳазин достонлари ёдимизга тушади. Пушкинку, улуғ сиймо, ҳатто каминадай оддий адиблар учун ҳам куз фасли энг сермаҳсул, энг яхши фаслдир. Бироқ, бу сахий куз кунларида заҳматкаш халқимизнинг бутун фикри-зикри бепоён оппоқ далаларда экан, ҳатто, биз ижодкорлар ҳам қоғоз-қаламимизни бир четга суриб қўйиб, эл орасида бўлишга ҳаракат қиламиз, лоақал бир оғиз ширин сўзимиз билан, «Ҳормангилар!» деган яхши тилагимиз билан бўлса ҳам, меҳнаткаш, жафокаш пахтакорларимизга зиғиндеккина мадад бериш умидида далаларга отланамиз. Мана бу йил ҳам сентябрь ойидан бошлаб биз ижодкорлар ҳам далада, пахтакорлар орасида юрибмиз, десам янглишмайман. Табийки, бу сафарлар, «водийларни ёёв кезишлар», дала шийпонларида бўладиган учрашувлар ижодкор учун ош билан нондай зарур, улар бизнинг дунё ҳақидаги тасаввуримизни чуқурлаштиради, янги одамларга, янги, қутилмаган воқеа ва ҳодисаларга рўпара қилади, энг муҳими, турмуш ҳақида, пахтакор ҳаёти тўғрисида, унинг оғир, лекин шарафли меҳнати тўғрисида, сафарлари, қувончлари, ташвишлари, қийинчиликлари ва бу қийинчиликларни енгиб ўтиш йўллари тўғрисида ўйлашга даъват этади.

Пахтакор халқимизнинг сўнгги йигирма йилда босиб ўтган йўли ҳақида ўйлаганимда мени бир нарса ҳайратга солади, у ҳам бўлса мисли кўрилмаган суръатдир!..

Ёдимда бор, бундан йигирма йил муқаддам, олтмиш биринчи йилнинг ноябрь ойи охирларида республикамиз уч миллион тонна пахта етиштирилгани тўғрисида рапорт берганди. Ўша маҳалда мен «Литературная газета»нинг Ўзбекистондаги махсус мухбири бўлиб ишлардим. Пахтакорлар ғалабаси тўғрисида атоқли адибимиз Комил Яшин билан «Уч миллион тонна!» деган мақола ёзгандик. Шунда бу мақолани саҳифага тайёрлаётган газета ходимлари ниҳоятда ҳайратга тушиб, қайта-қайта таҳриклашган эди, республика матбуоти саҳифалари эса машҳур совет адиблари, олимлари, композиторларининг қутловларига тўлиб кетган эди!..

Атиги йигирма йил давомида грамм ва миллиграммлардан йиғиладиган бу уч миллион тонна икки баравар кўпайиб, олти миллионга етди. Бу йилги маррамиз ҳам шу!..

Албатта, мисли кўрилмаган бу суръат, бу зафарларга заҳматкаш пахтакор халқимиз осонгина эришмаялти. Шунинг учун ҳам пахтакор меҳнатини фақат қўшиқ ва лапарлардан, ўйин-кулгидан иборат қилиб кўрсатувчи баъзи асарларни ўқиб ранжийсан киши. Чунки, ғалабага эришиш осон бўлса уни «ғалаба» дейишга ҳожат қолмайди, унинг қадри ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳар сафар пахтакор юртимиз ҳақида, унинг мисли кўрилмаган қийинчиликларни енгиб ўтиб, қўлга киритган улуғ ғалабаси тўғрисида ўйлаганимда, улуғ рус лашкарбошиси Суворовнинг ажойиб бир сўзи ёдимга тушади. «Солдат, — деган эди машҳур саркарда, — фақат ўз ғалабалари билангина эмас, балки, бу ғалабалар йўлида чеккан заҳматлари билан ҳам фахрланади». Бу гаплар худди ўзбек пахтакорлари тўғрисида айтилганидек туюлади менга... Шунинг учун ҳам биз адиблар пахтакор ҳақида ёзганимизда унинг ҳаётидаги қийинчиликларни хаспўшлаб кетиш эмас, балки, бу қийинчиликларни енгиб ўтаётган одамлар тўғрисида, пахтакор меҳнатининг қадрини билиб, унинг оғирини енгил қилаётган истеъдодли раҳбарлар тўғрисида кўпроқ ёзганимиз мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

ҲЕЧ кимга сир эмас. Бир маҳаллар энг илғор ўлкалардан бири бўлган Бухоро области етмишинчи йилларнинг ўрталарига келиб жуда орқага кетган эди. Айниқса, пахтачилик соҳасида жуда оқсаб қолган эди. Мана, бир неча йилдирки, Бухоро орқага чекинишга барҳам бериб, аввалги мавқеи, илғориги обрўсини тиклаб олди, ҳатто энг илғор областлар сафига қўшилди. Ҳаммамизни қувонтираётган бу муваффақиятларнинг сабаби нимада? Бунинг бош сабаби шундаки, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ташаббуси билан Бухоро область партия комитети партия ташкилотларини янги, принципиал, ишбилармон кадрлар билан мустаҳкамлади. Ҳаёт эса Марказий Комитетимизнинг бу ташаббуси ниҳоятда тўғри бўлганини кўрсатди. Мен рақамларга мурожаат қилиб ўтирмайман. Бухорода қурилаётган йўллар, Қизилқум ва Ўрта чўл ва Чўли малиқда қазилаётган каналлар, ўзлаштирилаётган янги ерлар, шаҳар ва қишлоқларда олиб борилаётган ободончилик ишлари ҳақида кўп ёзилган ва ёзилмоқда, ҳақли равишда ёзилмоқда. Бундан беш-олти йил муқаддам тўрт юз-тўрт юз эллик минг тонна атрофида юрган областнинг бугун етти юз минг тонна «оқ олтин» учун курашаётганининг ўзи ҳар қанча таҳсинга лойиқ!.. Мен бошқа бир мисол келтираман.

Бундан беш-олти йил аввал Ғиждувонга боргандим. Ғиждувон — қадимий шаҳар. У Улуғбек мадрасаси каби кўп тарихий ёдгорликлари билан машҳур, қариб юз эллик минг аҳоли яшайдиган катта район. Лекин ўшанда мен район марказини кўриб анча ранжиган эдим. Кўчалар ифлос, чанг-тўзон, пахса деворлар нураб, қийшайиб қолган, кўп биноларнинг ҳатто машҳур Улуғбек мадрасаси ҳам қаровсиз ётарди. Бу сафар бориб Ғиждувонни танимай қолдим. Район маркази улкан гулзорга айланган, маҳалларнинг ободонлиги ҳам ҳаммани ҳайратга солади, у ҳам бўлса мисли кўрилмаган суръатдир!..

Ёдимда бор, бундан йигирма йил муқаддам, олтмиш биринчи йилнинг ноябрь ойи охирларида республикамиз уч миллион тонна пахта етиштирилгани тўғрисида рапорт берганди. Ўша маҳалда мен «Литературная газета»нинг Ўзбекистондаги махсус мухбири бўлиб ишлардим. Пахтакорлар ғалабаси тўғрисида атоқли адибимиз Комил Яшин билан «Уч миллион тонна!» деган мақола ёзгандик. Шунда бу мақолани саҳифага тайёрлаётган газета ходимлари ниҳоятда ҳайратга тушиб, қайта-қайта таҳриклашган эди, республика матбуоти саҳифалари эса машҳур совет адиблари, олимлари, композиторларининг қутловларига тўлиб кетган эди!..

Атиги йигирма йил давомида грамм ва миллиграммлардан йиғиладиган бу уч миллион тонна икки баравар кўпайиб, олти миллионга етди. Бу йилги маррамиз ҳам шу!..

Албатта, мисли кўрилмаган бу суръат, бу зафарларга заҳматкаш пахтакор халқимиз осонгина эришмаялти. Шунинг учун ҳам пахтакор меҳнатини фақат қўшиқ ва лапарлардан, ўйин-кулгидан иборат қилиб кўрсатувчи баъзи асарларни ўқиб ранжийсан киши. Чунки, ғалабага эришиш осон бўлса уни «ғалаба» дейишга ҳожат қолмайди, унинг қадри ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳар сафар пахтакор юртимиз ҳақида, унинг мисли кўрилмаган қийинчиликларни енгиб ўтиб, қўлга киритган улуғ ғалабаси тўғрисида ўйлаганимда, улуғ рус лашкарбошиси Суворовнинг ажойиб бир сўзи ёдимга тушади. «Солдат, — деган эди машҳур саркарда, — фақат ўз ғалабалари билангина эмас, балки, бу ғалабалар йўлида чеккан заҳматлари билан ҳам фахрланади». Бу гаплар худди ўзбек пахтакорлари тўғрисида айтилганидек туюлади менга... Шунинг учун ҳам биз адиблар пахтакор ҳақида ёзганимизда унинг ҳаётидаги қийинчиликларни хаспўшлаб кетиш эмас, балки, бу қийинчиликларни енгиб ўтаётган одамлар тўғрисида, пахтакор меҳнатининг қадрини билиб, унинг оғирини енгил қилаётган истеъдодли раҳбарлар тўғрисида кўпроқ ёзганимиз мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

ҲЕЧ кимга сир эмас. Бир маҳаллар энг илғор ўлкалардан бири бўлган Бухоро области етмишинчи йилларнинг ўрталарига келиб жуда орқага кетган эди. Айниқса, пахтачилик соҳасида жуда оқсаб қолган эди. Мана, бир неча йилдирки, Бухоро орқага чекинишга барҳам бериб, аввалги мавқеи, илғориги обрўсини тиклаб олди, ҳатто энг илғор областлар сафига қўшилди. Ҳаммамизни қувонтираётган бу муваффақиятларнинг сабаби нимада? Бунинг бош сабаби шундаки, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ташаббуси билан Бухоро область партия комитети партия ташкилотларини янги, принципиал, ишбилармон кадрлар билан мустаҳкамлади. Ҳаёт эса Марказий Комитетимизнинг бу ташаббуси ниҳоятда тўғри бўлганини кўрсатди. Мен рақамларга мурожаат қилиб ўтирмайман. Бухорода қурилаётган йўллар, Қизилқум ва Ўрта чўл ва Чўли малиқда қазилаётган каналлар, ўзлаштирилаётган янги ерлар, шаҳар ва қишлоқларда олиб борилаётган ободончилик ишлари ҳақида кўп ёзилган ва ёзилмоқда, ҳақли равишда ёзилмоқда. Бундан беш-олти йил муқаддам тўрт юз-тўрт юз эллик минг тонна атрофида юрган областнинг бугун етти юз минг тонна «оқ олтин» учун курашаётганининг ўзи ҳар қанча таҳсинга лойиқ!.. Мен бошқа бир мисол келтираман.

Бундан беш-олти йил аввал Ғиждувонга боргандим. Ғиждувон — қадимий шаҳар. У Улуғбек мадрасаси каби кўп тарихий ёдгорликлари билан машҳур, қариб юз эллик минг аҳоли яшайдиган катта район. Лекин ўшанда мен район марказини кўриб анча ранжиган эдим. Кўчалар ифлос, чанг-тўзон, пахса деворлар нураб, қийшайиб қолган, кўп биноларнинг ҳатто машҳур Улуғбек мадрасаси ҳам қаровсиз ётарди. Бу сафар бориб Ғиждувонни танимай қолдим. Район маркази улкан гулзорга айланган, маҳалларнинг ободонлиги ҳаммани ҳайратга солади, у ҳам бўлса мисли кўрилмаган суръатдир!..

Ёдимда бор, бундан йигирма йил муқаддам, олтмиш биринчи йилнинг ноябрь ойи охирларида республикамиз уч миллион тонна пахта етиштирилгани тўғрисида рапорт берганди. Ўша маҳалда мен «Литературная газета»нинг Ўзбекистондаги махсус мухбири бўлиб ишлардим. Пахтакорлар ғалабаси тўғрисида атоқли адибимиз Комил Яшин билан «Уч миллион тонна!» деган мақола ёзгандик. Шунда бу мақолани саҳифага тайёрлаётган газета ходимлари ниҳоятда ҳайратга тушиб, қайта-қайта таҳриклашган эди, республика матбуоти саҳифалари эса машҳур совет адиблари, олимлари, композиторларининг қутловларига тўлиб кетган эди!..

Атиги йигирма йил давомида грамм ва миллиграммлардан йиғиладиган бу уч миллион тонна икки баравар кўпайиб, олти миллионга етди. Бу йилги маррамиз ҳам шу!..

Албатта, мисли кўрилмаган бу суръат, бу зафарларга заҳматкаш пахтакор халқимиз осонгина эришмаялти. Шунинг учун ҳам пахтакор меҳнатини фақат қўшиқ ва лапарлардан, ўйин-кулгидан иборат қилиб кўрсатувчи баъзи асарларни ўқиб ранжийсан киши. Чунки, ғалабага эришиш осон бўлса уни «ғалаба» дейишга ҳожат қолмайди, унинг қадри ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳар сафар пахтакор юртимиз ҳақида, унинг мисли кўрилмаган қийинчиликларни енгиб ўтиб, қўлга киритган улуғ ғалабаси тўғрисида ўйлаганимда, улуғ рус лашкарбошиси Суворовнинг ажойиб бир сўзи ёдимга тушади. «Солдат, — деган эди машҳур саркарда, — фақат ўз ғалабалари билангина эмас, балки, бу ғалабалар йўлида чеккан заҳматлари билан ҳам фахрланади». Бу гаплар худди ўзбек пахтакорлари тўғрисида айтилганидек туюлади менга... Шунинг учун ҳам биз адиблар пахтакор ҳақида ёзганимизда унинг ҳаётидаги қийинчиликларни хаспўшлаб кетиш эмас, балки, бу қийинчиликларни енгиб ўтаётган одамлар тўғрисида, пахтакор меҳнатининг қадрини билиб, унинг оғирини енгил қилаётган истеъдодли раҳбарлар тўғрисида кўпроқ ёзганимиз мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Ғиждувон район партия комитетининг биринчи секретари Салим Каримович Раҳимов билан бўлган суҳбатимиз табиий, пахтадан бошланди. Ғиждувон район меҳнаткашлари бу йил саксон минг тонна ҳосил учун курашмоқдалар, бу пахтанинг салмоқли қисми ингичка толали қимматбаҳо пахтадир. Ва, Салим Каримович бу ҳақда катта ифтихор ва мамнуният билан сўзлаб берди. Энг илғор колхоз ва совхозлар, бригадалар, механизаторлар ва сувчиларнинг номларини ёддан айтиб, уларнинг меҳнатини юксак баҳолаб, ҳурмат билан гапириб берди. Сўнгра суҳбатимиз қурилиш, маданият ва ободончилик ишларига ўтди. Салим Каримович бу тўғрида ҳам масаланинг моҳиятини очиб берувчи чуқур фикр-мулоҳазалар билдирди. Суҳбатдан шу нарса аён бўлдики, Ғ район партия комитети пахта, пилла, чорвани ривожлантириш ишларига катта эътибор беради, бу ишларга энг муҳим масала деб қарайди, айни замонда маданият, қурилиш ва ободончилик масалаларини ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Бильакс, колхоз ва совхоз раҳбарларининг ишларига баҳо берганда пахта ва чорва билан бир қаторда маданият соҳасида, уй-жой қурилиши ва ободончилик соҳасида қилинаётган ишлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда баҳо берилади.

РАЙОН партия комитетида бўлган суҳбатдан кейин биз Садриддин Айний номидаги колхозга ўтдик. Райком секретарлигига кўтарилишдан олдин Салим Каримович Раҳимов ўн йил шу колхозда раислик қилган, бу даврда колхоз қишлоғи тамом қайта қурилган, ободончилик ишларига жуда катта эътибор берилган экан. Икки томонига асрий чинорлар ўтқазилган ўқдай тўғри, кенг кўчалар, кўча юзларида оппоқ чиройли бинолар — савдо маркази, катта клуб, маданий-маиший комбинат. Колхозчиларнинг уйига газ ва водопровод ўтказилган, ҳаммаёқ кўрган кўзни қувонтиргудек саранжом-саришта. Пахта ишлари ҳам жойида. Биз борган кунлари колхоз пахта планини юз қирқ фоиздан ошириб юборган. 4812 тонна ўрнига етти минг тонна топшириб, саккиз минг тонна учун курашмоқда эди!..

Кишини қувонтирадиган бу рақамлар мени кўпдан бери ўйлантириб юрган бир фикрни яна бир бор тасдиқлади: қайсики жойда, қайсики хўжаликда меҳнат аҳлига яхши ғамхўрлик қилинса, унга тузук шарт-шароитлар яратилган бўлса, уй-жойлари, маданият ва ободончилик ишлари яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша жойда иш ҳам яхши, ҳосил ҳам баракали!.. Бу фикрни тасдиқловчи ўнлаб фактлар келтириш мумкин.

Бундан бир неча йил муқаддам, улуғ бобомиз Абу Али ибн Сино таваллудининг минг йиллигига ҳозирлик кўрилаётган кунларда мен Афшона яқинидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозида бўлиб, унинг раҳбари Ҳамро Саидов билан танишган эдим.

Бу камтар, камғаг одам ҳосилдорлик соҳасида қўлга киритган катта муваффақиятларидан ташқари . (ўша маҳалда совхоз давлатга 18 минг тонна пахта топширар эди!). Қизилқум ғарбига ёриб кириб, у ерда минг гектарлик боғ яратган, туташ олмазор, нокзор, беҳи ва узумзорлардан иборат бу боққа кирган одам чиққиси келмас, ичига чиройли шийпонлар, ҳовузлар, ёшлар учун никоҳ уйлари қурилган бу ҳудудсиз боғни бамисоли чўл ичида яралган бир жаннат деса бўларди!.. Совхоз посёлкаси ҳам, ундаги клублар, ҳаммомлар, уй-жойлар, ёдгорликлар, музейлар ҳам мени лол қолдирган эди. Айниқса, ёшлар учун қурилган никоҳ уйлари, ҳунар-билим юртлари, болалар боғчалари бинолари мени ниҳоятда қувонтирган эди. Шунинг учун ҳам бу совхозда ишлар яхши, одамларнинг чеҳраси тиниқ, пахта ҳосилдорлиги ҳам баланд!

Ҳозир Ҳамро ака барпо қилган минг гектарлик боғ совхоздан ажратилиб, алоҳида боғдорчилик совхозига айлантирилган. Лекин тиниб-тинчимас Ҳамро Саидов Қизилқум боғридан яна ер очиб, ҳам пахта майдонини кенгайтирмоқда, ҳам қарийб беш юз гектарлик янги боғ барпо қилмоқда...

Мен совхоз бригадаларида бўлиб, кечқурунлари каттагина боғ орасига қурилган кенг, баҳаво, қулай шийпонларда телевизор кўриб ўтирган ёш ва кекса пахтакорлар билан суҳбатлашганимда кўнглимдан яна ўша: «Мумкин экан-ку! Қилса бўлар экан-ку!», деган фикр ўтди. Албатта, мумкин! Мисли кўрилмаган бойлик яратувчи, қўллари олтин пахтакорларимизга ғамхўрлик қилиш, уларга ҳамма шарт-шароитларни яратиб бериш Совет давлатининг энг олий мақсади, ҳамма партия ва хўжалик раҳбарлари олдига қўйилган энг муҳим вазифадир. Афсуски, бу вазифани ҳамма жойда бирдай тўғри тушуниб, тўғри хулосалар чиқарямиз деб айтолмаймиз. Бу ишга лоқайдлик билан қараётган, замонавий шийпонлар қуриш, уларни обод қилиб, пахтакорга яхши шарт-шароит яратиб бериш каби муҳим вазифага иккинчи даражали нарса деб қараётган хўжалик раҳбарлари ҳалиям оз эмас.

Шу йил сентябрь ойининг бошларида Андижон областининг Балиқчи районида бўлгандик. Балиқчи — яхши район, катта район. Биз райондаги энг илғор колхозлардан бирида бўлдик, дала шийпонида учрашув ўтказдик. Шунда бизни бир нарса қаттиқ ранжитди. Илғор колхоз ва илғор бригаданинг шийпони жуда кўримсиз эди. Шийпон — пахтазорга туташиб кетган, унинг олдида на тўрттагина дарахт, на тузукроқ бир соялқин жой бор эди! Шунинг учун бўлса керак, одамларнинг чеҳралари ҳам сўлгин, руҳлари паст эди. Ҳолбуки, колхоз ҳам, биз борган бригада ҳам илғорлар сафида юрар, колхоз раиси эса, мақталиб юрган раислардан ҳисобланарди!

Илғорлар сафида юрадиган, аммо, ўз вазифасига лоқайдлик билан қарайдиган, пахтакор меҳнатининг қадрини билмайдиган бундай раислар Салим Каримович Раҳимов каби партия ходимларининг, Ҳамро Саидовдай бугунги кун талабини жуда чуқур тушунадиган колхозсовхоз раҳбарларининг иш услубини яхшироқ ўргансалар бўларди. Бунинг учун эса биз адиб ва журналистлар ҳам пахтакор ўлкамизда қилинаётган катта ишларни, энг илғор партия ва хўжалик раҳбарларининг яхши ишларини кенгроқ ва чуқурроқ таҳлил ва тарғиб қилсак мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳа, Бухоро пахтакорларининг бу йилги улкан зафари бежиз эмас. Бу зафар — Бухорода бўлаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан чамбарчас боғлиқдир.

...Биз Ғиждувондан Шофирконга, Шофиркондан Ромитан, Ромитандан Олотга ўтдик. Далалар ҳануз оппоқ. Уфқларга туташиб кетган бепоён пахтазорларда ҳамон терим машиналари айланиб юрибди. Қирмизиранг боғлар улуғвор сукутда. Ҳудудсиз, чексиз — чегарасиз Бухоро даштларини кесиб ўтган асфальт йўл четларида, Қизилқум ғарбида, машҳур Чўли Малик қўйнида юзларча, минглаб-ча машиналар тариллаб ер қазишмоқда. Булар — келгуси йил ҳосилига, келгуси зафарларга замин тайёрлаётган қурувчилар, инженер-мироблар, чўлқуварлар.

Ғалаба муборак, азиз бухороликлар!

Бухоро—Тошкент.

Тўрақўрғон районидаги «Партия XXV съезди» колхозининг илғор механизатори Роҳатой Алиматова турмуш ўртоғи Қодирали Ризаев билан шу кунгача 500 тонна пахта терди. Оилавий экипаж аъзолари шу кунларда ҳам терим суръатини бўшаштирмаяптилар.

Суратда: Р. Алиматова турмуш ўртоғи Қ. Ризаев билан.
Б. Солиев фотоси.

ТЕРИМ ЗАРБДОРЛАРИ

Чуст районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг механизаторлари ака-ука Собировлар мавсумда 350 тонна пахта теришга аҳд қилган эдилар. Бу ватанпарварлар ваъдага вафо қилиш учун терим агрегатларини юксак унумларда ишлатишяпти. Комилжон, Ҳакимжон, Шарифжон ва Ғуломжон СОБИРОВларнинг шу кунгача терган пахтаси 300 тоннадан ошди.

Ака-укаларнинг рафиқалари Таваккалхон, Турсуной ва Зулфиялар ҳам пахта ишқи билан кўпмингкилограммчилар сафида дурдона теришяпти. Улар шу кунларда ҳам 100—120 килограммдан пахта териб, хирмонга барака киритишаётир. Ҳозиргача овсинларнинг терган пахтаси 30 тоннага яқинлашиб қолди.

* * *

Тўрткўл районида юқори ҳосилли бригадалар кўп «Намуна» колхозининг Ж. Аитов, «Ленинизм» совхозининг Б. РЕЖЕБОВ, Р. САТТОРОВ, «Совет Ўзбекистони» совхозининг Р. НУРИЛЛАЕВ, Йўлдош ҚУРБОНОВ номли совхозининг Ж. БЕРДИМУРОДОВ ўртоқлар бошлиқ бригадалари шулар жумласидандир. Йиллик планни адо этган бу бригадалар азаматлари ҳосилдорликни 60 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

* * *

Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхозининг Исмоил ШАРИПОВ бошлиқ бригадаси социалистик мажбуриятни бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Давлатга 395 тонна ғуруғлик пахта топширилди. Ҳар гектар ердан 63 центнердан хирмон кўтарилди. Бригада азаматлари 70 центнерлик маррани эгаллаш учун курашмоқдалар.

* * *

Косон районидаги Ульянов номли колхозининг чевар теримчиси Зебо ЖУМАЕВА ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини бажарди. Ватан хирмонига мавсум давомида 12 тоннадан знёд «оқ олтин» тўкди. Чевар теримчи шу кунларда ҳам 100 килограммдан ошириб пахта термоқда.

* * *

Область механизаторлари мусобақасида Шофиркон районидаги «Шофиркон» колхозидан Мастура КАРИМОВА, Пешқу районидаги «Ленинизм» колхозидан Ражаб РУЗИЕВ ва Ибн Сино номли совхозидан Қаюм НАИМОВлар пешқадамлик қилишмоқда. Бу дала гвардиячиларининг ҳар бири мавсум бошидан буён 400 тоннадан ошириб пахта теришди.

ДОЛЗАРБ ДАМЛАР

Самарқанд

Она-табиат олтин фаслининг оғушида сарҳушлик билан энтикеди. Саховатли кузнинг ғаниматини қадиқиларини сездирмай ўтиб бораяпти. Сахий қуёш момиққа лиммо-лим поёнсиз далаларни бағрига босиб илитиб, юрагида ғурур, пахта меҳри жўш урган азаматларни имтиҳонга чорлаётир. Пастдарғом районидаги Калинин номли колхоз аъзолари куз қуёшининг жилмайиб боқиши — саховати маъносини тийран билишади. Улар ҳозирги долзарб пайтда мўл ҳосилли далаларда чинакам жасорат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Колхозда бир пайтлар ҳосилдорлик беҳад пасайиб кетган эди. Масалан, 1975 йилда ҳар гектар майдондан атиги 22 центнердан пахта олинган эди. Ўша йили колхоз раврлениеси раислигига сайланган Эгамберди Турдиқуловни бу кўрсаткич мутлақо қаноатлантирмади. Қолаверса, райондаги бошқа илғор хўжаликлар раҳбарлари ва мутахассислари олдида юзи шувут бўлди. Қолоқлик доғидан қутулиш учун нима қилиш керак.

Тадбиркор деҳқон бу саволга жавоб топди. Ветеран миришкорларга суянди, мутахассислар билан бамаслаҳат иш тутиб, колхозда алмашлаб экишни тўла жорий этди. Комплекс механизацияга эътибор оширилди. Маҳаллий ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланилди. Кадрлар қўнимсизлигига барҳам берилди, меҳнат интизоми мустаҳкамланди. Энг муҳими деҳқончилик маданияти юксалтирилди. Натижада икки йил ичида ҳосилдорлик 8 центнерга кўтарилди. 1978 йилда ҳар гектар майдондан 34 центнердан, 1979 йилда 36 центнердан ҳосил олинди. Миришкорлар 1980 йилда ҳосилдорликни 40,1 центнерга етказдилар ва бу борада район хўжаликлари ўртасида биринчи ўринга чиқдилар.

Пахтачилик учун ғоят оғир келган бу йилги шароитда 1143 гектар майдонда ғўза ўстирилди ва агротехника қоидалари асосида сифатли парваришланди. Ёғингарчиликлар, қатқалоқ, ёввойи ўт ва зараркунандаларнинг хуружи тадбиркорлик билан енгилиб, барча майдонларда 45 центнерлик юксак мажбуриятга яраша жавоҳир тўпланди.

Колхоз пахтакорлари йиғиб-терим месъулиятини теран ҳис этишди ва долзарб мавсумни зарбдорчасига якунлаш юзасидан тўла сафарбарлик эълон қилишди. 12 та терим агрегати юқори унум билан ишлатилаётир. Ҳар куни 2 мингдан знёд киши пахтазорга чиқмоқда.

Давлатга «оқ олтин» сотиш планини узоғи билан 30 октябргача бажариш учун астойдил бел боғлаган саршунослар республика партия ва ҳукуматининг жанговар чақириғидан илҳомланиб, сафарбарликни тобора кучайтирмоқдалар. Ҳаво очиқ кунларда қабул пунктларига 3 процентгача «оқ олтин» етказиб берилмоқда. Социалистик мусобақада йиллик планни аллақачон ортиғи билан уддалаб, мажбурият ҳисобига дурдона топшираётган Тошқанбой Ҳасанов бошлиқ бригада азаматлари олдинда боришяпти. Тармаш Шомирзаев, Облоқул Мардиев, Озод Улуғов сингари уста пахтакорлар етакчилик қилаётган бригадалар коллективлари ҳам зафар чўққиси сари дадил интилмоқдалар.

Қалбида пахта ишқи билан меҳнат қилаётган Тармаш Шомирзаев 18 йилдан буён бригадани бошқаради. Бу заҳматкаш инсоннинг ҳалол меҳнатлари Октябрь Революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари билан тақдирланди. Унинг бригадаси Ё,ғлтур гектаридан 42 центнердан дурдона ундирган эди. Зарбдорлар бу йил 50 центнерлик маррани кўзлашмоқда.

Ҳурсанд Ўринова оиласининг меҳнат аъанаси тилларда достон бўлди. Ватанпарвар аёл фарзандлари Изатой, Муқаддам, Марҳабо, Пирматжонлар билан жасорат майдонига отланди. Улар дашт деҳқончилик қилаётган Облоқул Мардиев бригадасида пахта теришаётир. Дала бошида муваққат шийпонча қуришди. Ҳозир ҳам ўша жойда тунашади, овқатланишади, ҳордиқ чиқаришади. Мавсумнинг энг қайноқ онларида кунига 500—550 килограммгача дурдона теришди. Оилавий эзоно аъзолари мавсумда 35 тонналик хирмон яратишга сўз беришган. Бу ўтган йилдагидан 7 тонна кўпдир. Ҳозиргача улар хўжалик хирмонига тўккан пахта 20 тоннадан ошди.

Далада жавлон ураётган мардлар меҳнатига тасаннолар айтгинг келади. Улар машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган мўл-кўл ҳосилнинг бир граммини ҳам нестнобуд қилмай саранжомлаб олиш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. План ва мажбуриятни тезроқ бажариб, Улуғ Октябрнинг 64 йиллигига муносиб туҳфа ҳозирлашга интилмоқдалар.

Л. ДИЛМУРОДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПОТОК УСУЛИДА

Жиззах

Дўстлик районидаги Ленин номли совхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов бошлиқ бригадаси азаматлари 158 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишга муваффақ бўлдилар. Бригада даласида ҳануз иш қизғин. Механизаторлар далаларни поток усулида тозалашга қарор қилдилар. Мавжуд бешта кўрак юладиган, тўртта подбор терадиган машиналар ҳам ишга туширилди. Пахта терадиган машиналар ортидан кўрак юладиган, подбор терадиган машиналар ишга солинмоқда. Далалар шу йўл билан поток усулида тозаланяпти. Бу ишда Ҳамрали Машарипов, Эргаш Алиев, Анорбой Бобожоновлар намуна кўрсатиб ишлямоқдалар.

— Биз сўнгги ҳужумни шу тарзда ташкил қилиб, ҳар гектар ердан яна 8—10 центнердан ҳосил оламиз, — дейди бригада бошлиғи Тўлан Дадажонов, — Бригадамизда 14 ишчи бор. Бу йил ҳар бир ишчи ҳисобига 50 тоннадан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганмиз.

Бригадада қўл кучидан фойдаланишга тамомила барҳам берилди. Тўрттала терим машинаси билан 1300 тонна пахта терилди. Бунинг 650 тоннасини бригадирнинг ўзи терди.

Бригада тажрибаси совхознинг бўлим ва бригадаларида кенг жорий этилмоқда. Совхозда барча кўрак юладиган ва 30 дан ортиқ подбор терадиган машиналар далаларга чиқарилган. Азамат механизаторлар эл хирмонига яна салкам 3 минг тонна пахта тўкиб, ялпи хирмонни совхоз бўйича 16 минг тоннага, ҳосилдорликни эса 35 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МАИШИЙ МАВЗУДА

МАДАДКОРМИЗ

Қашқадарё

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этаётган бизнинг қўриқ Қашқадарё области меҳнаткашлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун астойдил курашмоқдалар. Айниқса шу долзарб кунларда ҳамманинг диққат-эътибори «оқ олтин»дан 650 минг тоннаник улкан хирмон яратишга қаратилмоқда. Ана шундай олий мақсад йўлидаги умумхалқ ҳаракатида Ўроқ ва Болга бирлигини намойиш этаётган шаҳарлик завод ва фабрикаларнинг ишчилари, район марказларининг меҳнаткашлари, инженер-техниклар, студент ва ўқувчилар, турли идора ва муассасаларнинг ходимлари ҳам четда қолмаётирлар.

Областимиз савдо бошқармаси коллективи бепоён пахтазорларда фидокорона меҳнатлари билан тонна-тонна пахта хирмони улғётган шаҳарлик ҳашарчиларга, қишлоқ меҳнаткашларига намунали савдо хизмати кўрсатмоқда.

Биз асосан Қарши дашти қўриғида жойлашган Нишон, Толлимаржон, Бахористон, Усмон Юсупов, Муборак, Ульянов, Қарши ва Косон районларининг пахтазорларида тер тўкаётган 50 минг ортиқ азамат ҳашарчига савдо хизмати кўрсатяпмиз. Бунинг учун график билан ишлаётган махсус 28 та автодўкон ва жойларда ишчилар таъминотлари бўлимлари томонидан ташкил этилган магазин ва ларёклар пахтакорларга ҳамда шаҳардан чиққан ҳашарчиларга иссиқ нийм-кечак, пойабзал ва бошқа кунлалик эҳтиёж моллари, озиқ-овқатлар етказиб бериш-аётир.

Ўзларининг намунали хизматлари билан пахтакорларга мададкор бўлаётган Қарши шаҳар озиқ-овқат, саноат моллари савдоси, ошхона ва ресторанлар трести, Косон шаҳар озиқ-овқат ва саноат моллари савдоси, «Каршистрой» бошқармаси ишчилар таъминоти бошқармаси коллективларининг иши тахсинга лойиқдир.

Савдо бошқармамиз ходимлари пахтакорлар оғирини енгил қилаётган ҳашарчиларга савдо хизмати кўрсатиш билан бирга «оқ олтин» йиғим-теримида ҳам иштирок этмоқдалар. Республикамиз партия ва ҳукуматининг даъватқор Мурожаати коллективимиз аъзоларининг, гайрат-шижоатини яна ҳам оширди ю борди. Биз бу оташин чақириққа жавобан мавсумда дала меҳнаткашларига қариб 13 миллион сўмлик кундалик зарур моллар етказиб бериш билан серқуёш Ўзбекистоннинг улкан хирмони тикланишига муносиб ҳисса қўшамиз.

З. МҮЯНОВ,
Қашқадарё область савдо бошқармаси бошлиғи.

МУРОЖААТГА ЖАВ

ЮНЕСКОНИНГ ИЛТИМОСИ БИЛАН

Тарих фанлари доктори Сабоҳат Азимжонова Ҳиндистондаги улуғ мўғуллар империясининг асосчиси Бобирнинг қизи Гулбаданбегим хотиралар китоби — «Хумоюннома»ни нашр этишда қатнашиш тўғрисида ЮНЕСКОдан таклифнома олди. Халқаро ташкилот тошкентлик олимага мурожаат этганлиги тасодифий эмас. С. Азимжонова XVI асрнинг биринчи чорагига мансуб мана шу ғоят диққатга сазовор тарихий асарни ўзбек тилига таржима қилган. Гулбаданбегим Бобир вафотидан кейинги биринчи подшоҳ — Хумоюн ҳукмронлиги даврини («Хумоюннома» асарининг номи ҳам шундан олинган) тасвирлар экан, ўз замонасининг сиёсий, иқтисодий ва социал воқеалари, Ҳиндистоннинг Ўрта Осиё халқлари билан дипломатия муносабатлари, турмуш тарзи, сарой муносабатларининг қизиқарли тафсилотларини кўрсатиб ўтган. Унинг хотиралари қимматли тарихий ва этнографик манба бўлиб қолган. Гулбаданбегим, Ҳиндистон ва Афғонистонда яшовчи халқлар тўғрисида ҳам ҳикоя қилади.

С. Азимжонова асарнинг таржимаси устида ишлар экан, унинг Англияда сақланаётган қўлёзма нусхасини мурожаат этди. Хотираларнинг Тошкент нашрида ўзбекча текст билан ёнма-ён дари тилидаги асл нусха тексти ҳам берилди. Хотираларни француз тилида нашр этишга қарор қилинди.

Шу билан ўзбек олимаси ЮНЕСКО нашр этаётган иккинчи китобда қатнашмоқда. «Бобирнома»ни у ёзган сўзбоши билан очилади. Иккала асар Бобирнинг 1983 йилда нишонланадиган 500 йиллигига атаб чиқарилади. (ЎзТАГ).



Наманганликлар ўзларининг сўлим, хушҳаво масканлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Область территориясида меҳнаткашларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун қулай шароитлар яратишга алоҳида эътибор қилинмоқда. Темирйўлчилар дам олиш зонаси ҳам кўпчиликка маъқул жойлардан ҳисобланади. Бу ерда мароқли дам олиш учун барча имкониятлар бор. Суратда: темирйўлчилар дам олиш зонасида.

Ш. Осмонов фотоси.

ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги «Давлат пенсия таъминоти» номли тўплам тайёрлади. Тўпламга давлат томонидан пенсиялар ҳақидаги қонунлар, СССР ва Ўзбекистон ССР ҳукуматларининг қарорлари ва фармонлари, Меҳнат ва социал масалалар бўйича СССР давлат комитети, Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлигининг буйруқлари ва инструкциялари киритилган.

Жумладан, тўпламда «Қариялик учун пенсия», «Инвалидлик учун пенсия», «Имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи», «Стажи тўла бўлмаганларга пенсия тўлаш тартиби», «Боқувчисидан ажралганларга пенсия тўлаш», «Қишлоқларда доим яшовчи ва қишлоқ хўжалигига алокадорларга бериладиган пенсиянинг миқдори» ва бошқа муҳим бўлимлар бор.

Тўплам рус тилида ҳам нашрга тайёрланяпти.

ФАН-ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ЛАЗЕР ТОШ-ТАРОШЛИК ҚИЛА БОШЛАДИ

Лазер нури тоштарош кескиси ва болгасининг ўрнини олди. У яхлит мармардан ғоятда аниқ, тез ва чиқитсиз плита кесади.

Грузия ССР Фанлар академияси Кибернетика институти олимлари мармар тош кесишнинг лазерли технологиясини ишлаб чиқдилар.

— Одатда мармар 3 минг градус температурада «эрийди», бизда эса 800 градусда ҳам уни кесавериш мумкин бўлаверади, — деди ТАСС мухбири билан суҳбатда, — янгилик авторларидан бири, техника фанлари кандидати О. Модебадзе. — Тошга бир вақтда лазер нури ва одатдаги бўғни таъсир эттириб, унинг кесилаётган жойида мармарни бир лаҳзада кукунга айлантиришга муваффақ бўла олдик.

Мармарга янгича ишлов бериш усули бу қимматли материални анча тежайди. Чунки уни қимматга тушадиган диск арра, ялпоқ арра ва портлатиш ёрдами билан олиш мавжуд технологиясида материалнинг ярмидан кўпи бекорга кетади. Лазер техникаси эса бундай нобудгарчиликларга барҳам беради.

СССР Фанлар академияси П. Н. Лебедев номли Физика институтидаги ҳамкасблар экспериментал ишларни ташкил этишда грузиялик олимларга катта ёрдам бердилар. Биргаликда олиб борилган тадқиқотлар ёрдамида шу нарса аниқландики, мармарни яқин келажакдаёқ шу нури билан соатига 150—170 метр тезликда ва чуқурлигини 30 миллиметр ва ундан кўп қилиб саноат кўламида кесавериш мумкин бўлаверади.

К. ЦХОМЕЛИДЗЕ.
Тбилиси. ТАСС мухбири.

СИРЛИ КЎРПА

Фельетон

Ёғочнинг бўшини қурт ейди дейишади. Бекор гап. Фақат қурт емайди, одам ҳам ейди. Еганда ҳам бўшини эмас, мустаҳкамини танлаб ейди. Ҳатто ниҳўрд ҳам чиқармайди. Даҳата кирган қуртдай тоғ-тоғ ёғочни кўрдим демай, пок-покиза туширади.

«Джизаксовхозводстрой» трестининг 3-кўчма механизациялашган колоннасида ҳам ана шундай воқеа содир бўлди. Колонна бошлиғи Сайфиддин Фозиловга тўсин бўладиган ёғоч жуда-жуда керак бўлиб қолди. Ҳеч бўлмаганда қирқ-эллиқта шунақа ёғоч топиш мақсадида колоннанинг омборларини тит-пит қилиб чиқди. Бўлғи белбоққа ёлчимас экан. Омборда майда-чуйда таҳта, гарбил, калта-култа ёғочлар топилди-ю, бироқ тўсинбоп топилмади. Идорадаги ўзига яқин одамларнинг қўйига қўл солиб кўрди. Лекин ҳеч ким ўша ёғоч менда бор, деган тайинли гапни айтмади. Бозорга борай деса, тиш кавлагичдай ёғоч фалон сўм. Бундан ташқари, Фозилов бунақа нарсаларни пулга олиб ўрганмаган, қоланверса ПМКнинг бошлиғи бўла туриб, ёғочфурушларга елка қисиб, ялиниб боришни ўзига ор деб билади.

— Пўли бор, — ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи Маматқул Мамасоатов унинг қулоғига аста шивирлади.

— А? Пўли? — Фозиловнинг кўзлари чақнаб кетди. — Қани-қани, эшитайлик-чи...

Мамасоатов лабини кўвача қилиб унинг қулоғига яна шивирлади.

— Э, қўй бу гапнигни, бунақа усул чўнтагимдан алдақачон тушиб қолган, — Фозиловнинг кулги югурган чеҳраси яна тунлашиб, кўлини силтади. — Пуллигини бошимга ураманми, менга текининни айт, текинини...

— Хўжайин, ҳеч шунақа одатингиз қолмади-колмади-да, — Маматқул Мамасоатов ялтоқланди. — Карнайчидан битта пуф дейишди. Кетса, давлатнинг чўнтагидан кетади, сизникидан кетмайди.

— Ҳозир текинга мушук офтобга чиқмайди-ку, биров менга бекорга ёғоч берадими? — Бошлиқ бармоғини илгак қилиб чеккасини тўқиллатди. — Кўл-қўлни ювади деганини эшитмаганмисан?

— Бу ҳам бир гап-да, хўжайин. Бор товоғим-кел товоғим қилсангиз, ҳар ҳолда, чакки бўлмасди. Ишингиз битса, шолининг орқасидан курмак сув ичганидай, мен ҳам ёғочли бўлиб қолардим. Уй қураяпман, тахта керак,ёғоч керак...

Фозилов ёлғиз қолиб яна ўйлади. Назарида Мамасоатовнинг гапида жон бордай туюлди. Таваккал деди-ю, машинасига ўтириб, тўғри «Ирмонтажстрой» трестининг ихтисослашган кўчма механизациялашган колоннасига келди. Суриштириб, катта прораб Степан Акопьянни топди. Бироқ бир чимдим суҳбат охирламай туриб, Акопьян гапнинг белига тепди:

— Бўлмайди, қўрқаман.

— Ҳали шу юрак билан прораб бўлиб юрибсанми? Э, қўйе, тағин оғайнимиш, — Сайфиддин Фозилов этак қоқиб ўрнидан туриб кетди.— Сотмасанг, ҳужжатлаштир, у-бу қурилишни тугатдим де, қўл қўймаган номард. Неча сўмлик қоғоз тўлдирсанг ҳам, ғинг демайман. Фақат тўсинбоп ёғоч топиб берсанг бас.

— Бу бошқа гап, — Акопьяннинг юзи ёришди.— Боядан бери чайналиб ўтирмай шундай демайсанми. Ҳужжатга қўл қўйсанг, осмондаги ойни ҳам қўлингга тутқизаман... Қани, бу ерга ўтир-чи... Хўш, қаерда қандай қурилиш қиламиз?..

Икковлашиб бамаслаҳат бир зумда оламжаҳон ишни битириб ташлашди. Ярим соат ичида 3-кўчма механизациялашган колоннанинг 224-сонли хати асосида колонна саноат базаси ҳамда Жиззах областидаги «Сайхон» ипподромида умумий нархи 12720 сўмлик муваққат алоқа линияси қуридиб бўлинди. 3-колонна эса уни синчиклаб текшириб қабул қилиб олди. Бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қабул қилиб олингани ҳақида акт тузилиб, сарф-харажатлар тўғрисида 29-сонли форма ҳам тўлдирилди. Актга алоқа линиясини фойдаланишга топширгани тўғрисида Степан Акопьян, уни қабул қилиб олгани ҳақида Сайфиддин Фозилов имзо чекди.

Хўш, шу билан нима бўлди, дерсиз? Нима бўларди, аввало иккала томоннинг ҳам иши битиб, нафси бироз ором олди. С. Акопьян сохта ҳужжатлар билан ихтисослашган колонна ихтиёридаги 3917 сўм 40 тийинлик қурилиш материалларининг тагига сув қуйди. Шу жумладан, С. Фозиловга жуда зарур бўлган 1805 сўм 78 тийинлик, 26,4 километр, яъни 80 дона ялянги тўсинбоп симёғочлар ҳам ҳособдан чиқарилди. Бўлганда В. Кострикин бошлиқ бригадага маза бўлиб қолди. Осмондан ёққан чалпакдай 1435 сўм 35 тийинлик маош уларнинг чўнтагига текин тушди.

... Иши осон битганидан оғзи қулоғига етган Сайфиддин Фозилов колонна идорасига келган заҳоти ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғини ҳузурига чақиртирди:

— Мана, саксонта симёғочга ҳужжат. Ҳозироқ йўлга чиқ. Тўйчи Жўраев деган қариндошимни танийсан, Жиззах районидаги Навоий номли колхозда яшайди. Эллиқта ёғочни ўшанинг ҳовлисига туширасан. Қолган ўттизтаси эса хизмат ҳаққинг учун сенга сийлов. Менинг давримда бир маза қилиб қол...

Ана энди гапнинг давомини эшитинг. Иш хамирдан қил суғургандай силлиқ битиб турганида етти ухлаб тушга ҳам кирмаган воқеа содир бўлди. Уйдаги гап кўчага ўрмалаб чиқдими, ё чақувдан бўлдими, ҳар ҳолда, ёғочхўрликнинг устига ёпилган сирли кўрпанинг бир чеккаси очилиб, Фозилов билан Акопьяннинг пайтавасига қурт тушиб қолди.

— Ишлар пачава, ёрдам бер, — С. Фозилов С. Акопьяннинг ёнига ел қувгандай ҳовлиқиб келди. — ОБХСС текширяпти. Калаванинг учи чиққудай бўлса, икковимиз ҳам чарҳпалак бўлиб кетамиз.

Иккови дўппини олиб қўйиб ҳўп бош қотиришди. Хаёлан кирмаган кўчалари, учрашмаган кишилари қолмади. Аммо бир тўхтамга келиш қийин бўлди.

— Ўша текшираётган одамнг қанақа ўзи? — Акопьян кўзларини қисганича хаёлчан сўради. — Гапга кўнадиганми? Айлантириб кўрилса қалай бўларкин? Ҳар ҳолда, ётиб қолгунча отиб қолиш керак. Беш-олти минг сўм деганя қаерларда қолиб кетмайди...

Бу ишни Фозилов ўз зиммасига оладиган бўлди. У юмшоқ супурги бўлиб олиб, ҳужжат кўриб ўтирган ОБХСС ходимининг у ёғидан ўтди, бу ёғидан ўтди, охири очиғига кўча қолди:

— Оғзингизга сиққанича пул сўранг, топиб бермаган номард. Фақат ишни ёпиб юборасиз.

ОБХСС ходими тишининг оқини кўрсатгандай бўлди. Буни розилик аломатига йўйган Фозиловнинг боши осмонга етди. Эртаси куни Акопьян билан 5220 сўмни қўйнига тиқиб, белгиланган жойга борди. Борди-ю... Хуллас ёғочхўрликнинг оқибати кўрлик бўлди. Фозилов, Мамасоатов ва Акопьян учови ҳозир ўз ёғига ўзи қовурилиб, ўйламай жарга тушдик, энди бизга сой қайда, деб бараварига жўр бўлиб ўтиришибди...

Фельетонимизга нуқта қўйишдан олдин яна бир савол билан қизиқдик: хўш, Фозиловни 1-ПМКда участка бошлиғи вазифасидан қўтар-кўтар қилиб, 3-ПМКга бошлиқ қилиб тайинлаган «Джизаксовхозводстрой» трести раҳбарлари орадан бир йил ўтар-ўтмай унинг қилган «эркалиги»дан қандай хулоса чиқариб олишди? Шуни билиш мақсадида Жиззахга бордик, трестдаги раҳбар ходимлар билан суҳбатлашдик. Бироқ ким билан учрашмайлик, ҳамма бир овоздан «Фозилов тажрибали, билимдон, ҳисоб ва ҳисоботларни аъло даражада олиб борадиган раҳбар эди», деб осмонга кўтарди. Шуни айтишади-да, бош ёрилса дўппи остида деб.

Рафиқ ТУРСУНОВ.

НОЯБРЬ ОБ-ҲАВОСИ

ЎРТА ОСИЁ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

Ноябрь ойида ўртача ҳарорат октябрь ойига нисбатан 6—7 даража совуқ бўлиши кутилади. Республиканинг шимолий районларида 1—4, жанубда эса 8—11 иссиқ, тоғлиқ районларда 0—1 даража совуқ қолган жойларда 5—7 даража иссиқ бўлади.

Ноябрь об-ҳавоси бу йил одатдагидан совуқроқ келади. Ой давомида ҳарорат ўзгариб туради. Шимолий районларда кечалари 0—5 дан 8—13 даражагача совуқ, кундузлари 0—5 дан 10—15 даражагача иссиқ атрофида бўлади. Қашқадарё, Сурхондарё областларида кечалари 4—9 иссиқ, 1—4 даража совуқ, кундузлари 19—24, 6—11 даража иссиқ, қолган жойларда кечалари 3—8 иссиқ, 0—5 совуқ, кундузлари 16—21, кечалари 2—7 даража иссиқ бўлади.

Биринчи ўн кунликда ҳавонинг иссиқ келиши, ой охирида совуқ бўлиши кутилади. Фақат жанубий ва чўл районларда ҳаво очиқ келади, ноябрда октябрга нисбатан ёғингарчилик кўпроқ бўлади. Намгарчилик Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Бухоро областларининг шимолий районларида 5—15, Сурхондарё областида 10—30, қолган территорияларда 25—60 миллиметрни ташкил этади.

СПОРТ

ЧИМ ХОККЕЙ:

ЧЕМПИОН АНИҚЛАНДИ

Аёллар олий лига командалари мамлакат чемпионатининг якунида олтин медаль совриндорлари аниқланмай қолгани ҳақида хабар қилган эдик. Тошкент областининг «Политотдел» колхозида ўтказилган сўнгги учрашувларда Москва области спартакчилари билан пойтахт жисмоний тарбия институти студентлари чемпионлика астойдил талабгорлик қилишди. Лекин студент қизлар қанча зўр беришмасин, спартакчилардан битта ҳам очко тўпладилар. Бу командаларнинг ўзаро учрашувида эса ҳисоб очилмай қолган эди. Институт хоккейчилари ўйинни дуранг билан тугашига учрашувни бошқарган судьянинг ноўрин ҳатти-ҳаракатлари сабаб бўлди деб норозилик билдиришди. Аммо спорт-техника комиссияси студент-хоккейчиларнинг даъволари асоссиз, деган хулосага келди. Шундай қилиб, Москва области спартакчилари мамлакат чемпиони бўлишди. Физкультура институти студентлари эса кумуш медаллар билан тақдирландилар. Учинчи ўринда — «Андижанка» қизлари.

БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ҒОЛИБЛАР

● ХОККЕЙ. Тошкентнинг «Бинокор» командаси чемпионат пешқадами «Салават Юлаев» коллективини қабул қилиб (4:4, 0:4), жами очколарини 21 тага етказди.

● ФУТБОЛ. «Торпедо» ва «Арарат» учрашувида ҳисоб очилмади.

● ФИГУРАЛИ УЧИШ. Ригада ўтказилган халқаро турнирда республикамиз вакиллари муваффақиятли қатнашдилар. Жумладан, СССР ўсмирлар терма командаларининг аъзолари, ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатининг бронза медали совриндорлари Марина Никитюк билан Рашид Қодирқаевлар спорт рақси бўйича мукофотли иккинчи ўринни эгаллашди. И. Шишова билан А. Сулаймоновлар кучли олтиликдан жой олишди.

● КУПКУРАШ. Ереванда спортнинг ҳарбий-амалий тури бўйича ўтказилган баҳсларда Украина командаси иккинчи марта мамлакат чемпионатининг кўчма совринини эгаллади. Москваликлар иккинчи, республикамиз вакиллари учинчи бўлишди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги
РЕСПУБЛИКА СИРТҚИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ
1981—1982 ўқув йили учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

агрономлар, зоотехниклар, техник-механиклар, техник-электриклар, бухгалтерлар, планлаштирувчи техниклар, автомобилларга техника хизмати кўрсатувчи ва ремонт қилувчи техник-механиклар.

Техникумга ёшидан қатъи назар, тўлиқсиз ўрта ва тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлган ва кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати: агрономия, зоотехника бўлимларида — ўрта маълумотлилар учун 2 йилу 6 ой, 8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар учун — 4 йилу 6 ой; қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш бўлимида — ўрта маълумотлилар учун —2 йилу 11 ой, 8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар учун — 4 йилу 11 ой; бухгалтерия ҳисоби ва планлаштириш бўлимида — ўрта маълумотлилар учун 1 йилу 10 ой, 8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар учун — 3 йилу 9 ой; автомобилларга техника хизмати кўрсатиш ва ремонти бўлими — ўрта маълумотлилар учун — 2 йилу 10 ой, 8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар учун — 4 йилу 9 ой.

Техникумга кирувчилар ўз мутахассисликлари бўйича қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: агрономия, зоотехника бўлимига кирувчилар: ўрта маълумотга эга бўлганлар она тили ва адабиётдан — ёзма (ишчо), химиядан (оғзаки);

қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва планлаштириш, автомобилларга техника хизмати кўрсатиш ва ремонти бўлимларига кирувчилар, она тили ва адабиётдан (ёзма, ишчо), математикадан (оғзаки), 8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар: она тилидан (диктант), математикадан (оғзаки).

Ҳужжатлар зоотехника, агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш бўлимларига 10 декабргача қабул қилинади.

Имтиҳонлар: 10 дан 20 ноябргача; 10 дан 20 декабргача.

Ўқувчиликка қабул қилиш: 21 дан 31 декабргача;

қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва планлаштириш автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўлимларига 10 августгача.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, иш жойидан йўлланма.

Ўқувчилар сессия пайтида ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникум адреси: 700128, Тошкент шаҳри, 128-алоқа бўлими, Октябрь райони, Парашютная кўчаси, 17-уй (10, 23, 27-трамвайларининг «Алоқа политехникуми» бекати). Телефон: 41-16-86.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ АКАДЕМИК И. О. ПАВЛОВ НОМЛИ САМАРҚАНД МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
1981—82 ўқув йилига
КЎНДУЗГИ ТАПЕРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига тўлиқ ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафларидан запасга бўшатилганлар саноат корхоналари, қурилишлар, ташкилотлар, транспорт ва алоқа, геология-разведка ташкилотлари, совхозлар, колхозлар ва ҳарбий қисмларнинг қўмондонликлари томонидан берилган йўлланмалар бўйича, даволаш-профилактика муассасаларида икки йил стаж билан беморларга парвоналик қилиб турган (санитаркалар) кичик медицина ходимлари қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимига кириш учун тавсияномалар шундай кишиларга берилмоғи лозимки, уларнинг ўқишга юборилганлиги тўғрисидаги йўлланма ҳақидаги масала кўриб чиқилаётган пайтда ишчининг ва колхозчининг ана шу корхонада (колхозда) шогирдлик тарзида ишлаган вақти инобатга олинмайди) кейинги йиллардаги меҳнат стажи узлуксиз бўлмоғи керак.

Меҳнат стажи бор бўлган ва кундузги ўрта мактабни 1981 йилда битирганлар тайёрлов бўлимига қабул қилинмайдилар.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак: ректор номига ёзилган ариза, йўлланма (2 ёки 1,3 тартиб сонли илова), ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), иш жойидан характеристика (ҳарбий қисмдан), медицина справкаси (286-форма), 8 та фотосурат (3х4 см), корхона раҳбарлиги тасдиқлаган меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

АРИЗАЛАР 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Биология, химия, физика фанлари бўйича суҳбат 11 ноябрдан 24 ноябргача ўтказилади.

Тингловчилика қабул қилиш — 25 ноябрдан 30 ноябргача.

Тайёрлов бўлимини битирган имтиҳонларини муваффақиятли топширган кишилар кундузги бўлимга I курсга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 8 ой.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар ойига 40 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар, бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Бизнинг адрес: 703000, Самарқанд шаҳри, Фрунзе кўчаси, 18-уй.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг Г. С. ЗАЙЦЕВ номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли БУТУНИТТИФОҚ ПАХТАЧИЛИК СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

селекция ва уруғчилик ихтисослиги бўйича 1982 йил учун КЎНДУЗГИ ВА СИРТҚИ ТАЪЛИМ АСПИРАНТУРАСИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар 1 декабргача қабул қилинади.

Мурожаат этилсин: Тошкент области, Оржоникидзе райони, Салор алоқа бўлими.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
СССР биринчилиги учун «А» класси биринчи лигаси командалари ўртасида

ХОККЕЙ

2, 3 ноябрь соат 18.30 да СКА (Свердловск) — «БИНОКОР» (Тошкент)
19, 20 ноябрь соат 18.30 да «СИБИРЬ» (Новосибирск) — «БИНОКОР» (Тошкент)
24, 25 ноябрь соат 18.30 да «МОЛОТ» (Пермь) — «БИНОКОР» (Тошкент)
28, 29 ноябрь соат 18.30 да «РУБИН» (Тюмень) — «БИНОКОР» (Тошкент)
Билетлар сотилмоқда.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ЯНГИ ПРОГРАММА «ПРОМЕТЕЙ» цирк спектакли.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

1 НОЯБРЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага. 10.00 — Концерт. 10.15 — Будильник. 10.45 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.45 — Здоровье. 12.30 — Тонгги почта. 13.00 — Совет Иттифоқи — чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.15 — Музикали киоск. 14.45 — Бобров иши. Спектакль. 17.10 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.10 — Мультфильм. 18.40 — Халқаро панорама. 19.25 — Цирк. 20.00 — Кинопанорама. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол шарҳи. 22.35 — Концерт. 23.20 — Янгиликлар.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — АБВГДейка. 10.15 — Концерт. 10.35 — Илмий-оммабоп фильмлар. 11.30 — Қалбга яқин қўшиқлар. 12.05 — С. Маршак. 12.55 — Мультфильм. 13.00 — Ҳужжатли фильм. 13.50 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 14.45 — Музикали программа. 16.25 — Голиблар. 17.50 — Камалак. 18.15 — Бунинг ҳаммаси у ҳақда. Бадиий фильм, 2-серия. 19.30 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 20.30 — Концерт. 21.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Янги қиргоққа. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Устоз ва мураббий. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Золушка. Бадиий фильм. 14.20 — Ҳужжатли фильм. 14.40 — Ўзбекистон спорти. 15.10 — Реклама. 18.15 — Мультфильм. 18.25 — Оқ пахта, оппоқ пахта. 18.55 — Тошкентнинг икки минг йиллигига. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телеминиатюралар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ғ. Ғулом концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Далада ишлаётганлар, Сизлар учун.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.35 — Фрунзе кўрсатувлари.

2 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Болалар учун фильм. 11.25 — Концерт. 11.45 — Ҳайвонот оламида. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Жазоир Халқ Демократик Республикасининг миллий байрамига. 16.00 — Оналар мактаби. 16.40 — Фильм-концерт. 17.20 — Қувноқ стартлар. 17.55 — Биз БАМни қурямиз. 18.30 — Халқ оҳанглари. 18.45 — Совет тасвирий санъатида В. И. Ленин образи. 19.15 — Концерт. 19.30 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга. 20.00 — Концерт. 20.10 — Любовь Яровая. Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Любовь Яровая фильм-спектаклининг давоми. 23.35 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 — Рус тили. 10.35 ва 11.35 — Тарих. 11.05 — 20-30-йиллар совет пейзажи живописи. 12.05 — АБВГДейка. 12.40 ва 13.40 — Тарих. 13.10 — Фан оламида. 14.10 — Беш йиллик—ёшлигим менинг. 14.55 — Физика. 15.25 — Марйэтта Шагинян. 1-фильм. 16.25 — Табиатшунослик. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 17.00 — Шифокор экрани. 19.30 — Истеъдод. Бадиий фильм. 20.45 — Концерт. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. 1-лига. Локомотив (Москва) — Металлист (Харьков).

ТОШКЕНТ-I. 18.05 — Болалар учун фильм. 18.30 — Ўқув кўрсатуви. 19.00 — Ешлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Москва ёзувчилари — меҳмонимиз. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — А. Орипов. Хаким ва ажал. 23.20 — Бугун оламда нима гап.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Инсон ва замин. 19.00 — Ўқув кўрсатуви. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Телефильмлар. 21.00 — Шифокор экрани. 21.30 — Марказий телевидениенинг IV программаси.

РАДИО

1 НОЯБРЬ, ЯКШАНБА

7.15 — Халқ куйлари. 8.30 — Янги музикали ёзувлар. 9.15 — Табассум. 11.30 — Радиопостановкалардан қўшиқлар. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Беш йиллик илғорлари. 13.30 — Қувноқ сайр. 14.00 — Ўзбекистон пахтаси. 15.40 — Спектакль. 17.30 — Концерт. 18.15 — Спорт программаси. 19.25 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 20.15 — Концерт. 21.00 — Депутат ва ҳаёт. 21.10 — Пахтакорлар, ҳормангиз. 22.30 — Ўзбекистон артистларининг концерти. 23.15 — Концертнинг давоми.

2 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Ленин йўлидан. 9.35 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 10.15 — Н. Раҳматов. Пахта ҳақида монолог. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Комсомолобод чорвадорлари вахтада. 14.00 — «Оқ олтин» хирмони қўпаймоқда. 18.15 — Ешлик. 19.25 — Рубобда Қ. Усмонов чалади. 21.00 — Шу куннинг муҳим сиёсий воқеалари. 21.10 — Адабий ўқиш 21.30 — Концерт. 22.30 — Ўзбек давлат филармониясининг солистлари ижро этади. 23.30 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назариясн пропагандаси — 32-53-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50

Р. — 02308 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 253. 5